Boqiy fikr

Vatan, el manfaati — muqaddasdir.

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 26-aprel, chorshanba № 33 (8994)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2017–2021 ЙИЛЛАРДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан тегишли равишда фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этиш даражасини янада оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, кўп хонадонли уй-жой фондининг уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни болалар ва спорт майдончалари ташкил этган ҳолда, ободонлаштиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, айниқса, таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-техник базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, обод-донлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин ва унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал ва жорий таъмирлаш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ.

(Давоми 2-бетда.)

26-aprel — Amir Temur ordeni ta'sis etilgan kun

Талабалик кезларим. Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчимиз буюк аждодимиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қила туриб, Соҳибқироннинг шамшири, ёқут кўзли узуги каби шахсий буюмлари ҳозиргача сақланиб қолгани ҳақида айтиб қолди. Бугунги кунда бу нодир экспонатлар дунёнинг номдор музейлари, коллекционерлари бисотидан жой олган экан. Ёшмиз, қизиққонмиз. Бу маълумот курсдошларим қатори менга ҳам қаттиқ таъсир қилган эди. Нега энди бизнинг бобокалонимизга тегишли буюмлар ўзгаларнинг қўлида бўлиши керак, дея баҳслашиб кетгандик...

Мардлик ва жасоратни уйғотувчи куч



Энди ўйлаб қарасам, ўшанда мунозарага киришибмизу, асл меросни назардан қочирибмиз. Биз Амир Темурдек буюк боболари қони томирида оқаётган авлодмиз. Бу қоннинг қиймати ҳар қандай хазинадан устун. Унда аждодларимизнинг кучли тафаккури, олижаноб қалби, ибратли фазилатлари, адолат туйғуси, тинчликни севиш, одамийликдек эзгу хислатлар жамланган.

(Давоми 4-бетда.)

Sharof Rashidov tavalludining 100 yilligi oldidan

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий кўчасидаги кўп қаватли оддий бино: Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти. Қабулхонадаги ёзувни ўқийман: «Директор, академик Сайёра Рашидова».

Чироғи ёниқ уй

Саволларни ёдимда такрорларканман, туйқус эшик очилиб, хаёлларим бўлинди. Ўгириламан, бироқ биринчи бўлиб салом беришга кеч қолдим. Опанинг хуш муомаласи ва самимияти ҳаяжонни босади. Опа камтар, содда, зиёли. Беихтиёр Шароф Рашидовнинг сурати кўз ўнгимда гавдаланади: «Отасининг қизи».

Шу боис олдиндан тайёрланган саволлар эсимдан чиқди. Аслида самимият қудрати олдида ҳар қандай ўйлаб топилган нарса ожиздир.

— Сайёра опа, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?

— Фақат шукроналик, қувонч. Чунки халқимизга мансуб гўзал фазилат бор: бирон киши ота-онангизни мақтаса, унга раҳмат айтса, кўнглингиз тоғдай кўтарилади.

(Давоми 5-бетда.)

Бугуннинг қадрига етиш

хотира ва қадр тушунчалари билан боғлиқдир

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Одатдагидек, жума куни биринчи дарс — тарбиявий соатга кўнғироқ чалинди. Ўқувчиларим ўзгача иштиёқ билан машғулот бошланишини кутишмоқда.



Наманганлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Низомхон ота Сатторов хонадонида.

Чунки олдинги дарсда "Инсон — азиз, хотира — муқаддас" мавзусида мустақил иш ёзиб келишни тайинлаган эдим. Шу боис ижодий ишларини баён этишга ошиқишарди. Шу пайт эшик тақиллаб, синфга мен кутган меҳмонлар — меҳнат фахрийлари: бир неча йиллар шу мактабда фаолият юритган, ҳозир кексалик гаштини сураётган устозимиз Аҳмад ота Қурбонов ва маҳалламизнинг энг ёши улуғ отахони Тўла бобо Маърупов кириб келди. Жўр овозда "Ассалому алайкум" деб ўрнидан турган ўқувчилар бугунги машғулот амалий кўринишда бўлишини англаб, сергакланди.

(Давоми 7-бетда.)

Ma'rifat

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2017–2021 ЙИЛЛАРДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари тасдиқланган Дастурнинг белгиланган муддатларда қатъий бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

3. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш — тижорат банклари кредитлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг махсус банк ҳисобварақларида алоҳида тўпланадиган ўз маблағлари;

кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шу жумладан, йил бошидаги қолдиқ бўш маблағлар ва I—III чорак якунлари бўйича ортиғи билан бажарилган даромад қисми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш — хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан.

4. Дастурни амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг «Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси — буюртмачи;

«ТошуйжойЛИТИ» АЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ — уй-жой коммунал соҳа ташкилотларини молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк;

«РИЛК «Қурилишмашлизинг» АЖ — уй-жой коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотларни зарур техника ва таъмирлаш-қурилиш ускуналари билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компанияси этиб белгилансин.

5. Тижорат банкларига «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига мазкур қарор билан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш-тиклаш ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун аввал ажратилган кредитларини қарз олувчиларнинг аризаларига биноан 5 йил муддатга узайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой коммунал хўжалиги корхона ва ташкилотларининг ҳисобварақларида маблағ тўпланиши ва улардан фойдаланиш тартибини кўзда тутадиган низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматлари кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва унинг шаҳар ҳамда туманларда, зарур ҳолларда, туманлараро филиаллари ташкил этилсин.

Бунда "Ягона ҳисоб-китоб маркази"нинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ филиалларида — банкнинг шаҳар ва туманлардаги мавжуд филиалларида;

бошқа тижорат банклари филиалларида — "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ филиаллари мавжуд бўлмаган ҳудудларда очилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари "Ягона ҳисоб-китоб марказлари" тегишли равишда фаолият кўрсатиши учун уларни хоналар билан таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кўп хонадонли уйларни, мулкчилик шаклидан қатъи назар, паспортлаштириш натижалари бўйича уларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантирсин ва уни мунтазам янгилаб боришни таъминласин;

2017 йилнинг 1 сентябрига қадар "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва лизинг ҳисобидан "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКнинг янгидан ташкил этиладиган шаҳар ва туман филиалларини 5-иловага мувофиқ махсус техника ва механизмларнинг намунавий рўйхати асосида махсус техника ҳамда механизмлар билан таъминласин;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича белгиланган норма ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулкини ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорини ҳар йили тасдиқласин ва уларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига етказсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси «Коммуналўқув» ўқув-услубий маркази» давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

9. Кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) 6-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари сифатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жойларни мавсумий фойдаланишга тайёрлашни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

республикамизнинг кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг Дастур амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш;

Дастур параметрларига, зарур ҳолларда, асосланган ўзгартиш ва аниқликлар киритиш.

10. «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК 2022 йилнинг 1 январигача:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, материал ва ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари сифатининг, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари бажарилишининг давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ билан биргаликда навбатдаги йил учун моддий балансларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосланган талабномалари бўйича Дастурни амалга ошириш учун цемент ва металл прокатларини тўғридан-тўғри шартномалар ҳамда тартибга солинадиган нархлар асосида ўрнатилган тартибда ажратишни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан самарали фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда тозаликни сақлаш ва уларни ободонлаштириш бундай уйларда яшайдиган аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳаётий омиллардан бири саналади.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ислоҳотларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базага таянган ҳолда изчил амалга оширилаётгани уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизимини ташкил этиш имконини бермоқда.

Кейинги 5 йилда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида кўп хонадонли уйларнинг томи, подвал иншоотлари, фасад, подъезд, лифт ва ирригация тармоқлари, шунингдек, йўлакларни бетонлаштириш ҳамда уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйга хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу тармоқда олиб борилаётган ишлар таҳлили хусусий уй-жой мулкдорларининг кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш борасидаги фаолиятида ҳал этилмаган қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида комплекс ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизми шаклланмаганини қайд этиш зарур.

Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш борасида таъсирчан назорат ўрнатилмаган, кўп ҳолларда ундан техник фойдаланиш ва аҳолининг хавфсиз яшашини таъминлаш борасидаги меъёр ва талаблар бузилишига йўл қўйилмоқда. Кўп хонадонли уйларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишнинг қоида ва муддатларига риоя этилмаяпти, бу эса, табиийки, аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этишнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагиларни назарда тутади:

аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, кўп хонадонли уйларда жойлашган хонадонлардаги муҳандислик-коммуникация тизими ва умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш, у ерларда болалар ва спорт майдончаларини барпо этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, хусусан, таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Қарорга мувофиқ, 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурда кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларини капитал ва жорий таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан 1,8 триллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур Дастурни амалга оширишда «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки уй-жой коммунал соҳасига қарашли ташкилотларни молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк этиб белгиланди.

Дастурни амалга ошириш доирасида тижорат банкларига «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхонаси ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматларини кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва шаҳар ҳамда туманларда унинг филиалларини ташкил этиш назарда тутилган.

Қарор билан шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра:

кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ва нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳар йили тасдиқлайдиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси «Коммуналўқув» ўқув-услубий маркази» давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

Қарорнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

биринчидан, бу қарор кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини ва ундан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишни тубдан яхшилаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш;

иккинчидан, аҳолининг ривожланган инфратузилмага эга бўлган кўп хонадонли уй-жой фондида яшаши учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш;

учинчидан, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

Фахрийлар доим эъзозда



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида жойларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига совға-саломлар топширилмоқда.

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Наманган вилоятида бугунги кунда 88 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини ошириш алоҳида эътиборда.

Наманган тумани Хонобод қишлоғида яшовчи 93 ёшли Абдусалом ота Раҳмонов урушдан қайтгач, 55 йил ёшларга таълим-тарбия берди. Бугун ҳам ёшлар билан суҳбатда уларга бугунги тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини уқтиради.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Оила — муқаддас даргоҳ. Уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

"Ота-оналар университети"

оилаларнинг мустаҳкамлигини ва фаровонлигини, ёшлар тарбиясидаги ролини оширишга хизмат қилиши зарур

Республикамизнинг барча ҳудудларида "Ота-оналар университети" фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилаётган ўқув-семинарларида ота-она ва фарзанд, оила ва жамият, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш, оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, таклиф-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ташкил этилган семинарда "Ота-оналар университети" фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди. Тадбирда Қарши шаҳридаги мавжуд 62 та маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, "Ота-оналар университети" аъзолари, ўқитувчи ва ота-оналар иштирок этди. Сўзга чиққанлар "Ота-оналар университети"нинг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ўрни", "Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти", "Фуқаролар йиғинларида "Ота-оналар университети" фаолияти илғор тажрибаларини тарғиб қилиш" каби мавзуларда маъруза қилди.

— Фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этилган "Ота-оналар университети" оилалар фаровонлиги, фарзандлар таълим-тарбияси, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат фазилатларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят бўлими ходими Юлдуз Равшанова. — Тузилмамиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Айрим хонадонларда кузатилаётган эр-хотин, қайнонакелин ўртасидаги низоларга барҳам берилди. Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатни янада мустаҳкамлаш учун давра суҳбати ва учрашувлар ўтказяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар маънавият-маърифат қўрғони бўлган оилани мустаҳкамлайди.

Семинарда "Ота-оналар университети" фаолиятидаги камчиликлар, тизимни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар, ота-оналар ва педагоглар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Иш фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, мавжуд муаммоларга ечим топишимиз лозим, — дейди Қарши шаҳридаги "Маҳоллот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги "Ота-оналар университети" раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Наргиза Ўроқова. — Дунёда содир бўлаётган қарама-қаршиликлар, турли можаро ва кўнгилсизликлардан хулоса чиқариб, жамиятга хавф солаётган, ёшлар онгини заҳарлашга уринаётган манфур кимсаларнинг бузғунчи ғояларидан огоҳ бўлишимиз керак. Оилада, маҳаллада, умуман, мамлакатимизда соғлом муҳит ҳукм суриши, юрт равнақ топиши учун барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак фойдадан холи бўлмайди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикасида "Ота-оналар университети" фаолиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ибратга молиқдир. Бу ҳақда Нукус шаҳрида ўтказилган семинарда батафсил сўз юритилди.

— Ота-она бўлишнинг масъулияти катта, — дейди Нукус шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлими бош мутахассиси Узипа Қалмуратова. — Фарзандларнинг қандай инсон бўлиб улғайиши ота-онага боғлиқ. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш мақсадида ташкил этилаётган ҳар қандай тадбир натижасиз қолмайди. "Ота-оналар университети" аъзолари таркиби ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, психолог, педагоглардан иборат. Тузилма фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларнинг ҳар бири ўз таклифларини беради. Оилада ва жамиятда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясида ота-оналар малакасини ошириш учун бу мутахассисларнинг тавсияларидан фойдаланишимиз керак.

Семинарда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси, психолог Мийўгул Жолимбетова, Ақманғит посёлкаси "Ота-оналар университети" раиси Светлана Жуматованинг фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбирлари

Боланинг билиш фаолияти

амалий машғулотларда фаоллаштирилади

Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 266-мактабда "Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш: муаммо ва ечим" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар аввалида мазкур мактабнинг биология фани ўқитувчиси О.Холмуродованинг "Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда генетик масалаларнинг ўрни (Аллел ва ноаллел генларнинг ўзаро таъсири мисолида)" мавзусида, ТХТМФМТТЭБ методисти Н.Садриддинованинг "Модда ва энергия алмашинишига оид масалалар ечиш методикаси" мавзусида амалий машғулот ўтдилар. Шаҳар ХТХҚТМОИ ва Низомий номидаги ТДПУ профессор-ўқитувчилари ушбу машғулотлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ўқувчининг дарсларни пухта ўзлаштириши унинг психо-физиологик ҳолатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди 266-мактаб директори И.Тўраев. — Бугунги семинарда боланинг билиш фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллар хусусида фикрлашиб олинди. Ўқитувчи-педагогларнинг биринчи галдаги вазифаси бола маънавиятини юксалтириш, иқтидорини юзага чиқариш экан, бундай амалий семинарлар улар фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилдора СУЯРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Мардлик ва жасоратни уйғотувчи куч

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Истиқлол туфайли маънавий бойлигимиз қайтадан қарор топди. Бу жараёнда Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси қайта тиклангани энг муҳим воқеалардан бири бўлди.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Амир Темур ордени. Ўтган йилларда мазкур олий мукофотга Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари муносиб кўрилди. 2004 йилда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов ҳам юксак мукофотнинг эгасига айланди.

2014 йил 22 августда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фармони асосида Термиз шаҳри ҳам Амир Темур ордени билан мукофотланди.

"...Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жанубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади. Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустаҳкам қўрғон бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз...", деган эди мустақиллигимиз асосчиси шаҳар аҳлига олий мукофотни топшириш маросимида.

— Шаҳримизга Амир Темур ордени берилганида яна бир рамзий маъно бор, — дейди Термиз археология музейи директори Зебунисо Алимардонова. — Тарихий манбаларда Соҳибқироннинг 1368—1369 йилларда Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан озод қилиш, унинг мустақиллигини таъминлаш, бирлаштириш, қудратли давлат тузишидаги ҳал қилувчи ҳанглари Термиз ва унинг атрофида кечганлиги қайд этилган.

Термиз атрофидаги Биё қишлоғи яқинида Амир Темур Мир Саййид Баракадан салтанат рамзи ҳисобланган туғ ва ноғорани қабул қилиб олади. Бу муҳим воқеанинг ҳам Термиз билан боғлиқлиги Соҳибқирон ҳаётида бу шаҳарнинг нақадар муҳим роль ўйнаганидан далолатдир.

Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз Мовароуннаҳрнинг энг машҳур тўртта шаҳаридан бири сифатида ислом дини ва маданиятининг йирик марказига айланади. Термизлик уламолар, мутафаккирлар бутун ислом оламида донг чиқаради. 1404 йилда Испания қироли Генрих III де Трастамара номидан Самарқандга Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихо йирик шаҳарлардан бири сифатида Термизни ҳам бориб кўрган.

Амир Темур орденли Термиз шаҳри бугун замонавий қиёфа касб этган. Муҳташам бинолар, Бахт уйи, Хотира майдони, замонавий усулда қад ростлаган таълим ва тиббиёт муассасалари, болалар спорти иншоотлари, кўп қаватли турар жойлар, кенг, равон йўллар шаҳар чиройини очиб юборган. Ободонлаштирилиб, кўркам зиёратгоҳларга айлантирилган Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Кокилдорота мақбаралари ва бошқа қадамжоларга борсангиз дилингиз руҳий қувват олади, маънавий оламингиз тиниқлашади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг февраль ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида қурилиши билан танишган Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхонаси ва муҳташам Санъат саройи ҳам бу шаҳарда бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётганини тасдиқлайди.

Мухтасар айтганда, жамиятда ҳар бир соҳанинг ривожида ўзига хос рағбатлантирувчи омил бўлади. Давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, ҳарбий маҳоратни ривожлантириш, тинчликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида хизматларнинг энг олий мукофоти сифатида Амир Темур ордени ҳам ана шундай хусусиятга эга. Зеро, бобомизнинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида унинг ҳаётий тамойили "Куч — адолатда" шиори битилган мазкур орденда томиримизда оқаётган буюк аждодлар қонини кўпиртирувчи, барчамизни янги-янги ютуқларга ундовчи куч бордир.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
ЎзА мухбири

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Чироғи ёниқ уй

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳаёт янада мазмунли, рангин ва чароғон кўринади. Давлатимиз раҳбари, бутун халқимиз отамга шундай юксак эъзоз ва эҳтиром кўрсатаётгани — биз учун чексиз бахт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу қарорини нафақат оиламиз, балки отамни яқиндан билган инсонлар, бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди, десам янглишмайман. Отамнинг руҳи шод бўлаётганига аминман.

Давлатимиз раҳбари таклифи билан Олий Мажлис Сенатининг қарорига мувофиқ Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Бу заминга ота-онамнинг, менинг киндик қоним томган. Мазкур туманда отам хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, у кишининг ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй-музей ташкил этилиши қалбимизни қувончга тўлдирди.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидов номи тўла-тўкис оқланганига ҳам, мана, чорак аср бўлди. Ўша тарихий кунларни тез-тез эслаб турсангиз керак.

— Албатта, у кунларни унутиб бўларканми? Ислом Каримов республикамизга раҳбар бўлган биринчи кунларданоқ халқимизга қилинган туҳмат ва ноҳақликларга қарши курашди, жасорат билан ҳақиқатни тиклади: «пахта иши» билан айбланиб, ноҳақ қамалган юзлаб инсонлар озодликка чиқди, халқимиз номи покланди. Бу халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

1992 йил кузида Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини катта байрам қилди. Ўша тантанада нутқ сўзлаган Биринчи Президентимизнинг мана бу гаплари бугун ҳам қулоғимда жаранг сочиб турибди: *«Истиқлол кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпгина аждодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди».*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувида *«Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди»*, деб таъкидлагани, отам таваллудининг бир асрлик тўйини нишонлашни таклиф этгани бу эзгу ишларнинг муносиб давоми бўлди.

Эзгуликнинг жавоби фақат эзгуликдир. Чунки ҳар қандай фарзанд учун ота-онаси чироғини ёқиш — муқаддас бурч. Шароф Рашидов руҳини наинки авлодлари, балки бутун халқимиз шод этаётгани бизни ғоят қувонтиради.

— Бугун 35—40 ёшга кирган инсонлар ҳам Шароф Рашидовни кўрмаган. Сизнинг хотираларингиз барчага қизиқ. Хотиралар ёзганмисиз?

— Йўқ, ёзмаганман.

— Нима учун?

— Журъатим етмаган. Чунки мен хотира ёзсам, уни кўпчилик мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилади. Лекин уларда отамнинг барча фазилатларини тўла тасвирлай олмасам, ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман. Чунки бу дунёда барча нарса нисбий, Шароф Рашидовга бағишланган хотира унинг феноменига мос бўлиши керак.

Кейин бундай хотиралар билан, қайсидир маънода, худди мақтангандай бўлиб қоламан-да. Тўғри, ҳамиша отам билан фахрланганмиз, бироқ у киши билан мақтанишдан ҳамиша йироқ бўлганмиз. Чунки отамнинг ўзи бизга шундай тарбия берган.

— Шароф Рашидовнинг қизи бўлиш сизга нимани англатади?

— Аввало, масъулиятни, одамларга фойда келтиришнинг шахсий манфаатлардан устунлигини. Бунга яна меҳнаткашлик, ўқимишлилик, профессионаллик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, сўз ва иш бир бўлишига интилишларни ҳам жамлаш мумкин. Чунки бу ҳаётда ҳар бир инсон топган ва бой берган барча нарса, аввало, оиласида олган тарбияси маҳсулидир. Мен ва укасингилларим доимо ота-онамга муносиб бўлишга ҳаракат қилиб яшадик. Бугун ҳам шундай.

Ҳозир ҳам отамнинг нигоҳларини жуда-жуда яқиндан ҳис қилиб тураман. Нимаики ўйламай ё бажармай, «бунга отам қандай муносабатда бўларди?» деган савол, албатта, онгимнинг бир четида қойим туради. Айнан мана шу хислат менга доим эзгуликка интилиб яшашда катта қувват бағишлайди.

— Шароф ота ҳаётда қандай инсон эди? Отангиз портретига қандай чизгилар берган бўлардингиз?

— Отам, том маънода, ўзбек бўлган: халқимизга мансуб барча фазилат унда мужассам эди. Бу доим юзида балқиб турарди — жуда файзли, фариштали инсон эди. Бирор марта бақириб гапиргани ё сўкинганини билмайман. Қийинчиликлар гирдобида катта бўлгани учун ҳаёт ва инсон қадрини жуда теран англарди.

1942 йили Иккинчи жаҳон урушида оғир ярадор бўлиб, юртга қайтган. Бир йилдан сўнг мен дунёга келганман.

Отам — оиламиз учун ҳамиша идеал инсон бўлган. Чунки кўз ўнгимизда ҳар томонлама юксалиб борди: газета муҳаррирлигидан республикамизнинг биринчи раҳбари даражасига кўтарилди, унинг онги, дунёқараши, маънавияти ҳам шунга мос юксалди. Қайси лавозимда ишламасин, ўзгармади — ўша-ўша самимийлигича қолди.

— Отангизнинг ўзига хос тарбия усуллари қандай бўлган?

— Оиламизда ёзилмаган, лекин қандайдир қатъий тизим бор эди. Отам бизнинг таълим-тарбиямиз ҳақида онамдан сўраб-суриштирарди. Дўстларимиз кимлиги, фанларни қандай ўзлаштиришимиз, нима китоблар ўқиётганимиз, уйга ким келиб-кетаётганигача қизиқарди. Сўнг ҳар биримиз билан кўнглимизга мос гаплашарди. Албатта, талабчан эди, бироқ жазолашга шошилмасди. Дейлик, фарзандларига бир нарсани қатъий буюрмас, балки таклиф сифатида айтарди. Фикрлашга ундарди. Биз уни бажонидил қўллаб-қувватлардик. Отам биздан хурсанд бўлиши, ғурурланиши учун барчасига тайёр эдик.

Онам Хурсандой ая жуда зиёли, ўқимишли, камтар, меҳрибон, оиласига садоқатли аёл эди. Гарчи олий маълумотли бўлса-да, у давлат ишидан кўра, оилани танлаган. Чунки оиламиз кичкина эмасди, фарзандлардан ташқари бошқа қариндошларимиз ҳам биз билан яшарди.

Кечки овқатдан сўнг отам онам билан анча гаплашиб ўтирарди. Бирга сайр қиларди. Бу суҳбатлар асосан оила, фарзанд-неваралар тарбияси, адабиёт, ҳаёт мазмуни ҳақида бўлган. Онам етим ўсгани учун отамга қаттиқ суянарди. Иккиси бир умр бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшади. Агар мендан «Шароф Рашидов қандай қилиб бундай юксакликка эришган?» деб сўрашса, «аввало, оиласида барча нарса жойида бўлган, унинг ўзига муносиб оқила, доно ва гўзал рафиқаси бўлган», деб жавоб берардим.

— Отангиз Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлганда, сиз 16 ёшда эдингиз. Табиийки, бу вақт оралиғида Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кўчиб яшагансизлар, мактаблар, дўстлар ўзгариб турган.

— Бу борада оиламизда тушунмовчилик бўлмаган. Чунки онам бизни ҳамиша отамизга чексиз ҳурмат руҳида улғайтирган. Биласизми, отам Олий Кенгаш раиси, республика раҳбари бўлган пайтида ҳам мактабдаги ота-оналар мажлисига борарди. Ҳамиша шунга вақт топарди, ҳафсала қиларди.

— Қандай оилавий анъаналарингиз бўлган?

— Аввало, китобхонлик: каттагина оилавий кутубхонамиздан ташқари ҳар биримизнинг алоҳида шахсий кутубхонамиз бўлган. Отамнинг ижодхонасида ҳам, ётоқхонасида ҳам доим китоб бўларди. Янги чиққан бадиий асарларни талашиб ўқирдик, баҳслашардик, муҳокама қилардик.

Яна бир анъана: отам қайси лавозимда ишламасин, онам кечга яқин барчамизга энг оҳорли кийимларимизни кийдириб, отамни кутиб олишга тайёрларди. Ишдан чарчаб келган отамнинг кайфиятини кўтариш, уни хурсанд қилиш учун барчамиз ҳаракат қилардик. Отам уйга келиши билан байрам бўлиб кетарди.

Қароргоҳдаги мўъжаз кинотеатр ҳам эсимда қолган: янги кинофильмларни оилавий томоша қилардик. Сўнг отам ҳар биримиздан таассуротимизни, фикримизни сўрарди.

— Тарихимиздан маълум: давлат раҳбарлари келин олиш ё қизини турмушга узатишни давлат иши билан баравар қўйган. Шароф Рашидовнинг бу борада қандай қарашлари, қоидалари бўлган?

— Отам замонавий, шу билан бирга қадрият ва анъаналаримизга содиқ инсон эди. Қизларини турмушга узатишда, биринчи навбатда, ўз фикримизни инобатга олган. Асосан ўқимишли, зиёли оилалар билан қуда бўлган. Масалан, мен Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солган академик Иброҳим Мўминов оиласига келин бўлганман. Турмуш ўртоғим билан танишиб, оила қурганмиз. Ёки сингилим Светлана ўз синфдошига турмушга чиққан. Дарвоқе, унинг ўғли — энг кичик жиянимнинг исми ҳам Шароф.

— Хукумат шифохонаси сартароши Мисрхай Яиров бир интервьюсида «Шароф Рашидов тўй-маъракага ўтказса, менга ҳам таклифнома юборарди», деган. Шароф ота оддий сартарошга шундай илтифот кўрсатган бўлса, демак, у кибрини енган инсон бўлган, деб ўйлайман.

— Ҳа, отам одамларнинг мансабига эмас, қалбига қараб муомала қиларди. Шу боис жуда кўп оддий одамлар билан яқин бўлган. Чунки улардаги самимият, оқкўнгилликни қадрлаган. Дейлик, оилавий архивимизда боғбон, ошпаз, қўриқчилар бирга тушган суратларимиз кўп. Уларни ҳамиша ўз оила аъзомиз деб биларди. Бу сурат марказида, албатта, отам бўларди.

— Шароф Рашидов авлодлари қайси касбларни танлади?

— Барчамиз илм-фан йўлидан кетдик. Сингилларим Дилором, Гулнора, Светлана, укам Илҳом фан номзоди бўлди. Бугун Шароф Рашидовнинг беш фарзандидан 9 невараси, 9 эвараси бор. Улар асосан тиббиёт, физика, иқтисод, экология, ҳуқуқшунослик каби йўналишларни танлади. Ораларида фан номзодлари анча, битта фан доктори бор.

Дарвоқе, докторлик диссертациямни ҳимоя қилган куним — 1983 йил октябрининг сўнгги кунларида Москвадан Урганчга қўнғироқ қилдим. Отам Хоразмда сафарда экан. Жуда хурсанд бўлди, бироқ фақат «раҳмат, қизим», дея олди, холос. Эртаси куни отамдан ажралиб қолдик.

— Ёзувчи Шароф Рашидовнинг ижодий лабораторияси борасида қандай хотираларингиз бор?

— Отам ёзувчи сифатида ҳам баракали ижод қилди. Асосан тонг пайти ва меҳнат таътилида ёзарди. Сабот билан ишларди. Қайта-қайта таҳрир қиларди. Уларда самимийлик, инсонга меҳр, муҳаббат ва садоқат мужассам.

Айниқса, «Кашмир қўшиғи» — Шароф Рашидовнинг қалб дафтари. Бир қадар ҳазин, умидбахш ва дилбар бу қўшиқ ҳали ҳам тилладан тушгани йўқ, дилларга ўрнашган. Бу асар ҳақида атоқли адабиётшунос Файбулла ас-Салом пухта тадқиқотлар қилган. Ўйлайманки, бу асар ҳали яна чуқур ўрганилади.

Отам ўзи ижодкор бўлгани учун ёзувчиларни қадрларди, ёш ижодкорларни ҳимоя қиларди, қўллаб-қувватларди. Мумтоз адабиётни яхши биларди. Айниқса, Мирзо Бедилни кўп ўқирди. Унинг «Комде ва Мудан» достони асосида «Икки дил достони»ни ёзган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига кўра, адибнинг "Сайланма" китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Халқимизнинг оташқалб фарзанди" номли хотира китоби нашрга тайёрланмоқда, ҳужжатли фильм яратиш, илмий конференция ўтказиш режалаштирилган, хотира тадбирлари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси бир умр халқимиз, Ватанимиз учун хизмат қилган отамнинг меҳнатларини элюртимиз муносиб қадрлаётганининг исботидир.

Назаримда, отамдан катта бир уй мерос қолди. Унда асл ўзбекона фазилатлар — фидойилик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, ширинсуханлик камол топади. Халқимиз омон экан, бу уйнинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди. Зеро, эл-юртимиз халқ учун ўз ҳаётини, бутун борлиғини бахшида қилган фарзандларини ҳамиша бошига кўтаради.

ЎзА мухбири
Умид ЁҚУБОВ
суҳбатлашди.

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Замонавий профессионал кадрлар

мамлакат тараққиётини белгилайди

Юқори малакали, касбий маҳоратга эга кадрларга эҳтиёж доим мавжуд. Айни вақтда ҳам барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун, қарор, фармон ва фармойишларда назарда тутилган устувор вазифалардан кутилаётган натижалар бевосита кадрларнинг профессионал фаолияти, ишни самарали ташкил эта олиш қобилияти билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг амалиётга жорий этилишида ҳам мутахассисларнинг ўрни ва салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Munosabat

Президентимизнинг шу йил 20 апрель куни қабул қилинган "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишни назарда тутади.

Мазкур қарорда таълим шакллари ва мазмундорлигини бойитишга қаратилган, инсон омили ва техник воситалардан оқилона фойдаланиб, ўқитиш ва ўзлаштиришнинг замонавий педагогик технологияларини қўллаш, олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш каби устувор вазифалар белгиланган бўлғуси мутахассислар учун янада кенг имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва бугунги кун мутахассисларига қўяётган талаби асосида қабул қилинган ушбу қарорда таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланадиган мутахассисларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича назарий-методологик, амалий-педагогик ёндашувлар мажмуи белгиланган. Қарор ўз моҳиятига кўра таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасида яқин келажакда бажариладиган вазифаларнигина эмас, балки мамлакатимиз тараққиётига молик муҳим иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олгани билан катта аҳамиятга эга бўлди. Белгиланган вазифаларнинг амалга ошиши ёшларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари билан бевосита боғлиқ. Зеро, таълим-тарбия олдида турган асосий вазифа аждодларимиз тажрибасини ёш авлодга етказиш, уларда инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, Ватан, халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш каби хислатларни қарор топтиришдан иборат.

Инсон ўз касбининг ахлоқий меъёрларига юқори даражада амал қилиши, касбий воситалар орқали фаолиятини такомиллаштириб бориши муҳим жараён ҳисобланади. Шу маънода, ёш мутахассислар олдида замонавий техникани ўзлаштириш, тажриба, кўникма, маҳоратни ривожлантириш, ахлоқий меъёр ва талабларни уйғунлаштириш вазифалари туради. Зеро, соҳалар мураккаблашуви натижасида касбий фаолиятда ахлоқий жавобгарлик ортиб бораётир. Касбий маҳорати, иқтидори, маънавий камолоти учун қайғуриш, оқилона турмуш кечириш, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиш, камчиликларини тузатиб бориш, ўз малакасини ва маҳоратини ошириш ҳам барча касб эгаларининг қатъият, бурчга садоқат, интизом каби ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Бу фикр нафақат раҳбар ходимлар, балки ёш мутахассислар учун дастурилмал бўлмоғи зарур. Комил инсон ва яхши касб эгаси бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезондир.

Ёркиной ЭРНАЗАРОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчиси

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтди

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил биринчи чорагидаги фаолияти якунларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вазирлик ҳайъати аъзолари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари иштирок этди.

Hay'at yig'ilishi

Мажлисни Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси У.Иноятов олиб борди.

Тадбирда 2017 йилнинг ўтган даврида тизимда бажарилган ишлар, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" доирасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққанлар таълим сифатини кучайтириш, ўқув муассасалари раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берди. Тизим ходимларининг касб малакасини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш фаолиятда АКТдан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ умумтаълим муассасаларида компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартларини босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар давомати бўйича назоратни кучайтириш, "Оила–маҳалла–таълим муассасаси" жамоатчилик кенгаши кўмагида ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ўқитувчиларнинг сифат таркибини яхшилаш, уларнинг узлуксиз ва мустақил равишда касбий маҳоратини ошириб бориши учун ҳаракатдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш, методик хизматнинг янги, ўқитувчилар эҳтиёжига асосланган тезкор ва самарали шаклларини кенг жорий этиш, таълим муассасалари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Тадбирда тизимдаги ислоҳотларнинг натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Танқидий таҳлил асосида ўтган йиғилишда вазирлик ва унинг қуйи тизимларида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида, қонуний жавоб бериш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Қайд этилишича, ҳисобот даврида виртуал қабулхона орқали Халқ таълими вазирлигига жами 3,5 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларни ўрганиб, қаноатлантириш, муаммоларни сифатли ҳал этиш, жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, интерактив хизматларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, жорий йилда илк маротаба умумтаълим мактабларидаги 104 минг нафар ўқитувчининг касбий салоҳияти ва маҳорати онлайн тарзда ўрганилди. Синовда иштирок этган ўқитувчиларнинг аксарияти паст натижа кўрсатгани, республика бўйича француз тили ва ўзбек синфларида рус тили фанларининг ўқитилиши ўта ачинарли аҳволда экани кескин танқид қилинди. Вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида француз тили, информатика, кимё ва физика фанлари ўқитувчиларининг билими кўрсаткичи ҳам қониқарли эмаслиги айтилди. Ушбу вилоятлардаги ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари 13 та кўрсаткич асосидаги таълим сифати рейтингида сўнгги ўринларни эгаллаган. Йиғилишда масъул мутасаддиларга таълим сифатини ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати

Таълим тизимидаги янгиликлар

ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади

Юрт тараққиётини билимли, доно, ҳар томонлама етук ўғил-қизлар белгилаб беради. Бу ўз-ўзидан мамлакатнинг таълим тизимини замонга мос тарзда янгилашни, ўқитиш сифатини оширишни тақозо этади. Бугун таълим жараёнида қатор муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Matbuot anjumani

Миллий матбуот марказида "Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида ташкил этилган матбуот анжумани ушбу масалага бағишланди.

Анжуманда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан маълумот берди. Хусусан, яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ҳамда "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Айтиш жоиз, мазкур қарорлар таълим тизимини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Давлат таълим стандартлари янгиланиб, ўқув-дастурлари такомиллаштирилади, ўқитиш сифати ошади.

Янги таҳрирда қабул қилинган низомга биноан кўпчиликни ўйлантириб келаётган масалалар умумтаълим тизимида аниқлаштирилди. Масалан, тегишли майдонга эга бўлган умумтаълим муассасалари синфида ўқувчилар сони 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, 6—7 ёшли болаларни 1-синфга қабул қилиш тартибига ҳам енгилликлар киритилди. Оғзаки нутқ нуқсонлари ва талаффузида камчиликлари бўлган ўқувчиларга коррекцион-логопедик ёрдам бериш мақсадида умумтаълим муассасасида ўқитувчи-логопедлар(дефектологлар) фаолият олиб борадиган логопед шохобчаси ташкил этилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг амалдаги давлат таълим стандартлари янгиланди. Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш, ўқувчиларда фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларига мос билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилди. Шунингдек, ўқув режага ўзгаришлар киритилиб, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани информатика ва ахборот технологиялари деб ўзгартирилди.

Анжуманда журналистлар таълим тизимидаги турли муаммолар ва уларнинг ечимлари, дарсликлардаги айрим мавзуларнинг мураккаблиги, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича саволларига жавоб олишди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Бугуннинг қадрига етиш

хотира ва қадр тушунчалари билан боғлиқдир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Уларга хотира ва қадр тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш, она Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг ибратли ҳаётидан фахрланиш, кексаларни эъзозлаш, ўтганларни хотирлаш, тинч ва осуда кунларнинг қадрига етиш ва бунга барча бирдай масъул эканлиги борасидаги ғояларни сингдириш мақсадида машғулотимизни бошладик.

— Қани айтинг-чи, ўқувчилар, хотира ва қадрлаш нима?

— Хотира – миллат тарихини, унинг қадриятларини, маданияти ва маънавиятини, ўзлигини мужассам этадиган буюк қадрият, — дея таърифлади ўқувчим Нозима Шароповa.

— Қадр эса – инсонларга меҳр кўрсатиш, хонадонларимизга файзу барака бағишлаб, бизларнинг ўқиш ва ишларимизга оқ фотиҳа бериб турган бобою бувиларимизни ҳурмат қилишдир, — деди синф сардори Аҳмаджон Кўчқоров. — Асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлиги ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик, шижоат билан ҳимоя қилган фидоий ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

— Жудаям тўғри, хотира ўзликни англаш, ўтмишни унутмаслик, шунингдек, бугунги кунни тўғри тасаввур этиш демакдир, — дея ўқувчилар мулоҳазаларини тўлдириб, кейинги ўқувчига навбатни бердим.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги фармойишига биноан 9 май "Хотира ва қадрлаш" куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Биз, урушда жасорат кўрсатган, жангдан қайтмаган, шундай тинч ва осуда ҳаёт учун жон фидо қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз, — дея Дадахон Собиров қўлини кўксига йўғганида, барча бирдек таъзим қилди.

— Фашизм устидан ғалаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган 338 нафар юртдошимиз юксак қаҳрамонлик унвонларига сазовор бўлган, — дея давом эттирди Оғабек Собиров. — Шу билан бирга юрагимизда умрбод битмас яра, асорат бўлиб қоладиган оғир йўқотишлар хаёлимиздан ўтади. Бу урушда Ватанимиздан 1,5 миллион киши қатнашди. 500 мингдан ортиқ ҳамюртимиз жанг майдонидан қайтмади. Яна қанчадан-қанчаси ногирон бўлиб қайтгани, қанчалари бедарак йўқолганини ҳисобга олсак, бу ғалабага қандай фидокорлик эвазига эришганимизни билиб оламиз.

— Жуда тўғри айтдинг, болам, — дея мунозарага қўшилди устозимиз Аҳмад ота Қурбонов. — Фашизм балоси миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солган. Уруш асорати ҳеч бир хонадонни четлаб ўтгани йўқ. Кимнингдир отаси, акаси, тоға-амакиси, яна кимнингдир жондан азиз фарзанди қурбон бўлди... Беҳисоб йўқотишлар олиб келган бу урушни бошидан кечирган халқимиз доимо битта фикрда яшайди: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин. Бизга тинчлик керак, омонлик керак.

Шу ўринда бугунги кунда ҳам дунёнинг нотинч нуқталарида қанчадан-қанча инсонлар ёвузлик қурбони бўлиб, тинч кунлар орзусида яшаб, куну тунларни таҳликада ўтказаётгани, бу мамлакатларда турли сиёсий урушлар авжига чиқаётгани натижасида болалар, аёллар, кексалар азият чекаётгани акс этган видеоролик намойиш этилди.

— Мустақиллик йилларида да уруш қатнашчилари ҳақида 35 жилдлик "Хотира" китоби чоп этилди. Шундан сўнг Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказларида "Хотира майдонлари" бунёд этилди. Пойтахтимиздаги Бўзсув канали бўйида эса "Шаҳидлар хотираси" хиёбони барпо қилинди. Кейинчалик шу номдаги музей ва жамғарма ташкил этилди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида нишонланади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида 1937—1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида амалга оширилган оммавий қатағонлар мудҳиш оқибатлари ҳақида шундай дейилган: "Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланди. Бу даврда қанчадан-қанча одамлар оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум қилингани халқимиз бошига тушган фожиалардан бири эди", — деган маълумотларни келтириб ўтдим. Сўнг ўқувчим Хуршид Сафаров "Хотира ва қадрлаш куни"нинг моҳияти, бошқа байрам ва анъаналардан фарқи ҳақида гапирди:

— Бу кун Ватан учун курашда ҳалок бўлган, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган кишиларнинг хотирасини ёд этиш, ёнимиздаги кексалар, бобо-бувиларимиз ҳурматини жойига қўйиш ҳамдир.

Ёшларнинг бурро-бурро сўзлаётганидан кўнгли тўлганиданми, оғир ўтмишини хотирлаганиданми, Тўла бобо Маърупов сўз бошлади:

— Болажонларим, сизларни кўриб, Ватан мустақиллиги учун қурбон бўлган жонлар бесамар кетмаганлигига амин бўламан. Чунки улар орзу қилган, улар етолмаган мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишибсизлар. Бизнинг ёшлигимиз, болалигимиз бешафқат уруш йилларига тўғри келди. Сизлар бугун тинч ва осуда замонда яшаяпсиз. Шу боис бу тинчликка осонликча эришилмаганлигини доимо ёдда сақлаб, бор куч-ғайратингиз билан яхши ўқишга, таълим-тарбия олишга интилинг.

— Бобожон, сизга ваъда бераманки, бор кучим билан аъло баҳога ўқийман. Келажакда Ватаним сарҳадларини ҳимоя қиладиган чегарачи бўламан, — деди Раҳматилла Ҳожиқурбонов.

Машғулот давомида кексаларимизнинг панд-насиҳатларини эшитган болаларда тинч Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт кечириш энг катта бахт экани ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланиши учун "Ақлий ҳужум" усулида мунозара ўтказдим. Жараёнда ўқувчилар "хотира" ва "қадр" сўзлари доим ёнма-ён ишлатилишини таъкидлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий рағбатлантиришга доир фармони кексаларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси эканлигини айтиб ўтди.

Бошланғич синфларда она тили ва ўқиш ("Энг муқаддас кун", 3-синф, "Эзоз", "Мангу олов", 4-синф), юқори синфларда она тили ва адабиёт, тарих (5-синф Тарихдан ҳикоялар: "Гитлер Германияси устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси", 9-синф Ўзбекистон тарихи: "Жадидчилик ҳаракати") ва миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари ("Хотира улуғ қадрият", 9-синф) фанларидаги мавзуларни ҳам амалий тарзда олиб бориш ўқувчиларнинг хотира ва қадрлаш инсонни юксакликка кўтариши, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлаши ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлайди.

Рухсора ҚУРБОНОВА,
Ғиждувон туманидаги
25-мактабнинг тарих фани
ўқитувчиси

Ота-она ишончи

мактабгача таълим муассасаларида болалар қамровини оширишнинг асосий омилларидан бири

Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларга ноанъанавий педагогик усулларни татбиқ этиш, таълим самарадорлигини ошириш орқали ота-оналар ишончини қозониш, пировардида болалар қамровини кенгайтириш учун ишни нимадан бошлаш керак? Тажрибамга таяниб, қуйида МТМ фаолиятини режалаштириш юзасидан ўз таклифларимни келтираман:

— ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мактаб билан ҳамкорликни кучайтириш;

— ҳудуддаги мактабгача ёшдаги болаларнинг оиладаги таълим-тарбиявий муҳитини ўрганиш;

— ота-оналарни муассасага таклиф қилиш, ўз фарзандининг боғчадаги фаолияти самарасини тарбияланувчиларнинг концерт дастурлари ва спорт мусобақалари, ижодий кўргазмаларини, чет тилидаги мулоқоти асосида намойиш этиш;

— таълим-тарбияга оид ривоятларни саҳналаштиришда ҳаётий мисолларга мурожаат этиш ва муассасага жалб қилинмаган болалар, уларнинг ота-оналар, буви-боболар билан ҳамкорликда саҳна кўринишлари тайёрлаш;

— болаларни мактабгача таълим муассасасига жалб қилишда жамоатчилик гуруҳларини тузиш ва фаолиятини самарали ташкил этиш;

— бола ва ота-оналарнинг руҳий-эмоционал ҳолатига ижобий таъсир этувчи омиллардан унумли фойдаланиш;

— ёш ота-оналарга бола билан ишлаш борасида тавсиялар бериш;

— ҳар бир ёш гуруҳида ташкил этилган ота-оналар бурчагини мазмунан бойитиш ва унинг ота-оналар учун педагогик-психологик ёрдам кўрсатишини таъминлаш;

— гуруҳларни бетакрор мавзуларда ва мазмунан бой жиҳозлаш ва улардан машғулотларда унумли фойдаланиш;

— болалар қизиқиши ва лаёқатига мос спорт-соғломлаштириш, касб-ҳунарга йўналтирувчи, чет тилларни ўргатувчи тўгараклар ташкил этиш ва куннинг иккинчи ярмида тарбияланувчилар билан алоҳида ишлашга эътибор қаратиш;

— ота-оналар ва болалар ўртасида китобхонликни оммалаштириш мақсадида МТМдаги кичик кутубхоналар фаолиятини жонлантириш;

— ота-оналар иштирокида "Фарзандимга эртак ўқиб бераман" танловини ташкил этиш;

— МТМда ҳар ойда «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш;

— тарбиячилар фаолиятини мунтазам таҳлил этиб, уларга методик, амалий ёрдам бериш болалар қамровини оширишда муҳим ўрин тутади.

Бу ишлар изчил амалга оширилса, ота-оналарнинг МТМга муносабати яхшиланади. Зеро, муассасага ташриф буюрган ота-она ўзини эркин ҳис этсин, тарбиячига ёрдами кераклигини билсин. Чунки ота-оналар гуруҳда бўлган пайтда ўзини бемалол сезмайди, улар "бу ҳудуд тарбиячиники" деб тушунади. Бу муаммони бартараф этиш учун тарбияланувчилар номидан гуруҳга эълон ёзиб қўйиш ёки хат бериш анъанасини йўлга қўйдик.

Бу муассаса раҳбаридан тортиб, тарбиячи ва энагалардан ҳам ижодкорликни талаб этади. Фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган ва вақт топиб келган ота-оналарга ташаккур айтиш, уларни рағбатлантириш ҳам ҳамкорликни жонлантиради. Бунда қуйидаги қоидаларни унутмаслик лозим:

• оила аъзоларининг ҳар бирига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик билдиринг. Уларга шунчаки "ойиси" деб эмас, масалан, "Наргизанинг онажониси" тарзида мурожаат қилинг;

• ота-оналардан қандай амалий ёрдам кутаётганингизни тушунтиринг ва саволлари бор ёки йўқлигини доимо сўраб туринг. Шунингдек, уларнинг таклифларини эшитинг, ўзлари нима қила олишларини сўранг, танлаш имкониятини беринг;

• уларнинг ўзаро фикр алмашиши учун махсус хона ажратинг.

Ота-оналар ишончини қозонган мактабгача таълим муассасасида болалар қамрови, шубҳасиз, ортади. Ҳар бир ота-она боласининг ҳаёти ва таълим-тарбияси ишончли ҳамда меҳрибон мутахассислар қўлида эканини тушуниб етади.

Барно РАҲИМОВА,
Асака туманидаги 35-МТМ
мудираси

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Фикрлар хилма-хил, аммо имло барқарор бўлсин

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат кундан-кун ўзгараётир. Айниқса, китоб ва китобхонлик, китоб савдоси масалаларига эътибор кучайиши фикрлаш тарзимизга жиддий ва ижобий таъсир этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси иш бошлагани ҳам ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек олижаноб мақсад сари қўйилган дадил қадам бўлди. Жумладан, она тилимизнинг келажаги, унинг қўлланиш доираси, миллий ёзув ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. Биздирилаётган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз ҳам алифбо ва имло қоидалари борасида ўз нуқтаи назаримизни баён этишни лозим ҳисобладик.

Дунёда мукаммал алифбо мавжудми?

Ҳар бир халқ ўз тараққиёти давомида ёзувдан фойдаланишга, ўз ёзувига эга бўлишга ҳаракат қилади. Халқимиз ҳам бугунга қадар бир қатор ёзув тизимларидан фойдаланиб келган. Биргина XX асрнинг ўзида араб, лотин ва кирилл ёзувидан фойдаланишга мажбур бўлдик. Бинобарин, мазкур ёзувларнинг ҳар бири халқимиз саводхонлигини оширишда, ижтимоий тараққиётида муайян из қолдирди. Айниқса, ўзбек кирилл ёзувида жуда катта моддий ва маънавий бойлик: илм-фаннинг турли соҳаларига доир адабиётлар, минглаб номдаги дарслик ва қўлланма, луғат ва қомуслар яратилди. Айни шу ёзувда бир неча авлод таҳсил олди, бадиий ижод намуналари нашр этилди, илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Бироқ...

Ўзбек кирилл алифбоси ҳам ўзбек адабий тилидаги товушларни тўлиқ акс эттира олмади. Чунки рус (славян) ёзуви ўз мазмун-моҳияти билан рус адабий тилининг фонетик тизимини тўлиқроқ акс эттириши мумкин. 1940 йилда кирилча ёзувга ўтилганда эса миллий тилимиз хусусиятлари эмас, балки кўпроқ рус тилининг манфаати, аниқроғи, русча сўзларнинг шаклини сақлаб қолиш ҳисобга олинган. Масалан, “ёлашган унлилар” деб номланувчи: *е, ё, ю, я* ва *ц* ҳарфлари, юмшатиш (ь) ва айириш (ъ) белгиларининг ўзбек ёзувига кўр-кўрона кўчириб ўтказилгани фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Ҳатто алифбо тартиби рус-славян ёзуви тартибида экани, соф ўзбекча товушларни ифодаловчи *ў, қ, ғ, ҳ* ҳарфларининг алифбо охирига тиркаб қўйилгани ҳам кирилча алифбонинг рус ёзувига нақадар қарамлигидан дарак беради. Она тилимизда мавжуд бўлмаган қаттиқлик-юмшоқлик ҳодисасини ҳисобга олиш мажбурияти, яъни (юмшатиш белгиси)ни қўллаш зарурати, ўзбекча сўзларни морфемаларга ажратишда “ёлашган унлилар”нинг мураккаблик келтириб чиқариши ва шу кабилар ҳақида ўзбек зиёлилари кўп ва хўп ёзган. Шу сабабли ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек имлоси бўйича баҳс-мунозаралар жуда кучайиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилган эди: 1) ўзбек кирилл алифбосини ислоҳ қилиш; 2) араб ёзувини қайта тиклаш; 3) лотинча алифбони жорий этиш.

Мустақиллик шарофати билан алифбо масаласи ижобий ҳал этилди. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, лотин ёзувига асосланган 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси(апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилди. 1995 йил 6 майда эса мазкур алифбога айрим ўзгартиришлар киритилди. Натижада 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан иборат лотинча алифбо жорий этила бошланди. Бугун барча таълим муассасаларида машғулотлар мазкур алифбода олиб борилади, дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар шу алифбода нашр этилади. Буларнинг ҳаммаси қувонарли, албатта.

Аслида, дунё тилларидаги бирор алифбони мукаммал санаб бўлмайди. Масалан, инглиз тилида 44 товуш (фонема), француз тилида эса 35 товуш бўлгани ҳолда уларнинг алифбосидаги ҳарфлар миқдори 26 та. Демак, товуш ва ҳарф мутаносиблиги мавжуд эмас. Бироқ инглизлар ҳам, французлар ҳам ҳеч қачон ўз алифбосидан шикоят қилмаган, турли қўшимча воситалар: диакритик белгилар ёки ҳарфлар бириктирмасидан унумли фойдаланадилар. Улар имкон қадар ўз тарихий ёзувини ва имло қоидаларини сақлаб қолишга интиладилар, бошқа тиллардан ўзлаштирилаётган ҳар қандай янги сўзни лотин тилидан мерос қолган 26 ҳарф доирасида ҳал этади. Ўзимизда-чи?!


Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин

26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан иборат ўзбек лотин алифбоси бугунги лисоний эҳтиёжларимизни қондириб келмоқда. Очиғини айтганда, ёшлигидан лотин ёзувида савод чиқарган авлод учун мазкур алифбодан фойдаланишда муаммо йўқ. Ҳамма гап — кирилча алифбода савод чиқариб, лотинча имлони тан олмаётган “мутахассислар”да!

Аслида, бирор воқеа-ҳодисага баҳо берганда ўша воқеанинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилиши лозим. Жумладан, ўзбек лотин алифбоси ҳам лисоний ҳодиса ва реал воқелик тарзида кўриб чиқилиши керак, яъни мазкур ҳодиса ҳам ижтимоий-сиёсий воқелик, ҳам тил амалиёти нуқтаи назаридан ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Келинг, масаланинг соф лисоний томонларини кўриб чиқайлик.

Ўзбек лотин алифбоси алифболар олдига қўйиладиган асосий талаб — товуш ва ҳарф мослигини деярли тўлиқ акс эттиради, бирорта ҳам ортиқча ҳарф ёки белги йўқ. Кирилча алифбода сса *ё, ю, я, ц* ҳарфлари, юмшатиш (ь) белгисининг ортиқчалиги маълум, унда бир ҳарф бир неча товушни ифодалаши мумкин: е — [йэ] ва [э]тарзида талаффуз қилинади — ер [йэр], етти [йэтти], кел [кэл], бешик [бэшик]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, *е* ва *э* ҳарфи рус тилида қай ҳолатда, қай тарзда талаффуз этилса, ўзбек кирилл алифбосида айни шу ҳолат такрорланади. Аниқроғи, айни бир товуш ўрнида икки ҳарф (е, э) ни қўллаймиз. Лотинча ёзувда эса мазкур камчилик барҳам топди, товуш ва ҳарф мослиги юзага келди: *эшик — eshik, бешик — beshik, этик — etik, тетик – tetik.*

Юмшатиш белгиси (ь) фонологик вазифа бажармаса-да, ўзбек кирилл алифбосида қўлланиши шарт қилиб қўйилган. Масалан, *апрель, мебель, июнь, июль, альбом, альманах, ноябрь, декабрь* каби кўплаб сўзлар тил олдида юмшоқроқ [ль], [нь], [рь] тарзида айтилиши лозим. Лекин ундош товушларнинг юмшоқлик-қаттиқлик ҳодисаси она тилимизда мавжуд эмас, шу боисдан ҳам уларни ўзбеклар нутқига мос тарзда талаффуз этамиз. Кирилча ёзувда эса юқоридаги сўзларни рус тилида қандай ёзилган бўлса, ўша шаклда ёзишга мажбурмиз. Айни шу лисоний камчилик ҳам ўзбек лотин алифбосида барҳам топ-



ди, яъни бирор-бир фонологик вазифа бажармайдиган ҳолларда юмшатиш белгиси ўрнига ҳеч қандай белги қўйилмайди: *aprel, iyun, iyul, albom, noyabr.* Бу эса лотинча имломизнинг мустақиллигидан, илмий-назарий жиҳатдан тўғри ҳал этилганидан дарак беради.

Шу ўринда ўзбек лотин алифбосининг график имкониятлари кенглигини, айниқса, ўзлаштирилган сўзларни акс эттиришдаги ўзига хос хусусиятларини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, юмшатиш (ь) белгиси айрим ўзлаштирилган сўзларда ўзидан олдинги товушнинг юмшоқлигини ҳамда ажратиб талаффуз этилишини кўрсатади: *бульон, сеньор, павильон, батальон, медальон* каби. Биз мазкур сўзлар билан илк марта танишганда уларнинг қай тарзда талаффуз этилишини ўйлаб қоламиз: сеньорнинг [сенор] ёки [сенйор] тарзида айтилиши устида бош қотирамиз. Бульонни [булон] деб ўқишимиз керакми ёки [булйон]. Ўзбек лотин алифбосида эса бу типдаги сўзларни ўқишда муаммо келиб чиқмайди, яъни *bulyon, senyor, pavilyon, batalyon, medalyon* шаклидаги сўзшакллар — орфограммалар ўқиш учун қулай, худди соф ўзбек сўзларидек осон ва равон ўқилади. Бу ҳам лотинча имломизнинг қулайлигидан, унинг миллийлигидан нишонадир.

Кирилча алифбода савод чиқарган авлодни қийнаётган муаммолардан бири — “ёлашган унлилар”: *е, ё, ю, я* ҳарфли сўзларни лотинча алифбода тўғри акс эттириш масаласидир. Бунинг ёркин намуналари сентябрь сўзининг ўзбек лотин алифбосида икки шакл: *sentabr* ва *sentyabr* тарзида тавсия этилаётганидир. Хўш, аслида, уларнинг қайси бири тўғри?

Бу ҳақда кўп қайд этилишига қарамасдан, *sentyabr* шаклида ёзиш қонуз давом этмоқда. Ваҳоланки, сентябрь сўзининг лотин ёзувидаги тўғри шаклини ўзлаштириб олиш қийин эмас. Бунинг учун Яя ҳарфининг рус алифбосидаги вазифаларини эслатиб ўтиш кифоя. Маълумки, Яя ҳарфи рус имлосида икки вазифа бажаради: биринчи вазифаси й+а товушларини ифодалайди: *январь* [йанвар], *бояр* [бойар], *яшик* [йашик], *заряд* [зарйад]. Бундай ўринларга лотинча имломизда у+а ҳарфлари қўлланади: *yanvar, boyar, yashik, zaryad*. Рус алифбосида Яя ҳарфига юклатилган иккинчи вазифа – ўзидан олдинги товушнинг юмшоқроқ талаффузини кўрсатишдир. Жумладан, *сентябрь* сўзидаги я ҳарфи ўзидан олдинги ундош [т]ни [ть] тарзида юмшоқроқ айтишга қаратилган. (Бу ҳақда тўлиқроқ маълумотни “Ma’rifat” газетасининг 2012 йил 20 октябрь сонида чоп этилган “Нега “sentabr” ёзилади?” мақоласида ўқишингиз мумкин — *муал.*) Шундай экан, *сентябрь* сўзи *sentabr* шаклида ёзилиши талаб этилади. Агарда *sentyabr* шаклида ёзиладиган бўлса, [сентйабр] тарзидаги талаффуз юзага келади. Бу эса адабий тилнинг талаффуз меъёрларига зид. Буни аниқроқ ҳис этиш учун рус тили соҳиблари нутқидаги сентябрь сўзининг талаффузига эътибор қилиш кифоя, чунки уларда мазкур сўзлар [сентьабрь] тарзида айтилади. Демак, биз *sentabr* ёзиш билан русча талаффузга қанчалик яқинлашсак, *sentyabr* ёзиш билан ўша даражада узоқлашиб кетамиз. Ушбу фикрнинг тўғрилигини **Финляндия** сўзининг ёзилишида янада аниқроқ кўриш мумкин. Чунки мазкур сўз имлосида икки ўринда я ҳарфи қўлланган. Лекин ҳар икки “я”нинг вазифаси ўзгача, яъни биринчи я ўзидан олдинги товушнинг [ль] тарзида айтилишини кўрсатса, иккинчи ўринда й+а ни ифодалайди. Шундай экан, уни лотинча имломизда *Finlandiya* шаклида ёзишимиз лозим. Агарда Finlyandiya шаклида ёзилса, [финлйандийа] деб талаффуз этишга тўғри келади. Ҳолбуки, бу тарзда талаффуз этиш мумкин эмас.

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган алифбода **Сс** ҳарфи бўлиб, у кирилчадаги Цц ҳарфи ўрнида ишлатилар эди. 1995 йилдаги ўзгартишлардан кейин Сс ҳарфи алифбо тартибидан чиқарилди. Чунки ц ҳарфли сўзларни лотинча имломизда акс эттириш имкониятлари мавжуд эди, аниқроғи, *t* ва *s* ҳарфлари билан ифодалаш мумкин бўлади. Фақат бу ўринда ц ҳарфининг қайси ўринда s билан, қайси ўринда ts шаклида ёзилишини ўрганиб олиш зарур. Масалан, сўзнинг боши ва охирида, сўз ўртасида ундош товушдан кейин келса s билан ёзилиши, сўзнинг ўртасида икки унли қуршовида турганда ts ёзилиши лозим бўлади: *цирк — sirk, шприц — shpris, герц — gers, концерт — konsert, доцент — dotsent, конституция — konstitutsiya*. Бундай ҳолатларни ўзлаштириб олиш қийин эмас. Бироқ айрим сўзлар имлосида истисно ҳолатлар ҳам мавжудлигини тан олиш керак. Масалан, *антициклон, пенициллин, биоценоз* шаклларида тавсия қилинмоқда. Мазкур шаклларнинг талаффузини транскрипцияда кўрсатсак, қуйидаги кўриниш юзага келади: [ан**тит**-сик-лон], [пе-**нит**-сил-лин], [би**от**-си-ноз]. Кўринадики, бундай шакларда ёзадиган бўлсак, ўнғайсиз талаффуз ва ортиқча бир бўғин пайдо бўлади. Демак, бундай типдаги сўзлар *antisiklon, penisillin, biosenoz* шаклида тавсия қилиниши лозим.

Цц ҳарфи билан боғлиқ яна бир орфографик муаммо **сценарий** типида ёзиладиган сўзлар билан боғлиқ. Бу ҳақда ҳам “Ma’rifat” газетасининг 2012 йил 1 декабрь сонида батафсил маълумот берилган эди. Лекин ҳанузгача ssenariy шаклидаги ёзув қўлланиб келмоқда. Ахир бу орфограмма [ссенарий] тарзида ўқиладику! Лекин халқ бу тарзда талаффуз қилмайди. Шу боис ҳам *сценарий* сўзи барча ҳолатларда *senariy* [сенарий] шаклида ёзилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқсак, кирилл ёзувидаги **цех** лотинча алифбода ***sex*** шаклини олади, чунки ц ҳарфи сўз бошида турибди. Лекин нима сабабдандир айрим юртдошларимиздан ғалати бир фикрни эшитиб қоламиз. *Sex* орфограммаси [секс] тарзида ўқилар эмиш. Бу нимадан далолат: ўз алифбосини танимасликми ёки ўзга халқларга оғишми? Ахир, бу ўзбек лотин алифбосида [сех] тарзида ўқилади-ку! Бундай ҳолатларда айбдор лотинча имломиз эмас, балки бизда лисоний тафаккурнинг етишмаслиги айбимиздир.

Назаримизда, ўзбек имлосида ўз ечимини кутаётган талай муаммолар борки, аввало, асосий эътиборни ўшаларга қаратиш лозим. Аниқроқ айтганда, ўзбек имлосида миллий манфаат устунлик қилиши, орфограммалар ўзбекча талаффузга мос келиши, бошқаларга эмас, миллатдошларимизга хизмат қилиши зарур.

Ўрни келганда айтиш жоизки, “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларини, миллий алифбомиз — лотинча имломизни назар-писанд қилмайдиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Бир биродаримизнинг айтишича, у хизмат қиладиган идора раҳбарининг фамилияси Пак экан. Раҳбар кабинетининг эшигидаги ёзув ўзбек лотин алифбосида тайёрланиб, осиб қўйилиши раҳбарга ёқмабди. Чунки унинг даъвосича, лотинча шакл — Рак гўёки (рак) деб ўқилар эмиш. Шу сабабли ҳам ҳозирга қадар кирилл ёзувида — Пак шаклида экан. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Кузатишлардан аёнки, кирилча алифбода савод чиқариш айрим юртдошларимиз sh ва ch ҳарф бирикмаларини ўзбек лотин алифбосининг “камчилик”ларидан санайди. Баъзи ноширлар фикрича, мазкур ҳарф бирикмалари ҳамда о‘, g‘ ҳарфларидаги диакритик белгилар матнни кенгайтириб, ошиқча харажатга сабаб бўлади ҳамда китобнинг таннархини ошириб юборади. Аслида-чи? Шахсан менинг ҳисоб-китобимга қарағанда лотинча матнлар кирилча матнга нисбатан 5—10 фоизга қисқаради. Хўш, унда уларнинг ёзгаришлари сабаби нимада? Очиғини айтганда, кўпгина ноширлар, журналистларимизнинг ўзи лотинча имломиз имкониятларини пухта ўрганмаган, мазмун-моҳиятини, ижтимоий аҳамияти ва сиёсий томонларини етарли даражада англаб етмаган. Оқибатда, оммавий ахборот воситаларида тил амалиётида тасдиқланмаган, миллат маърифатига хизмат қилмайдиган қаратилади. Бинобарин, мамлакатимизда ҳам ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда қадам ташланмоқда. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий қилиниши ҳам мана шундай дадил қадамлардан биридир. Мазкур алифбонинг имкониятлари тўғрисида юқорида тўхтаб ўтилди. Бироқ кузатишлардан маълум бўладики, ўзбек лотин алифбосида нашр этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларида, газета ва журналлардаги мақолаларда, реклама ва эълонлар матнида, киши исмлари ва жой номлари имлосида, пешлавҳа ва тайёрланаётган кўргазмали воситалар — баннерларда имловий чалкашликлар, бири иккинчисини инкор этувчи орфограммалар юзага келмоқда. Бундай ҳолатлар эса лотинча алифбо тўғрисида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Аслида, бундай вазиятларда нашр этилган имло луғатлари асосий таянч вазифасини ўтайди. Шу сабабли ҳам бугунга қадар сўзларнинг ўзбек лотин алифбосида тўғри ёзилишини кўрсатиб берган бир неча имло луғатлари чоп этилди ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этилди. Бироқ 2013 йили “Akademnashr”да чоп этилган “O‘zbek tilining imlo lug‘ati” лисоний жараёндаги имлонинг яхлитлигига рахна солди. (*Бу ҳақда “Ma’rifat” газетасининг 2014 йил 22 январь сонида батафсил маълумот берилган*). Чунки 85000 дан ортиқ сўзни қамраб олган академик луғатда рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар илмий-назарий асосланмасдан, амалий-педагогик синовдан ўтказилмаган ҳолда тавсия қилинди. Бизнингча, мазкур луғат фойдаланувчилар қўлига етиб боргач, таълим тизимида анархия — бошбошдоқлик бошланди. Масалан, *sentabr* шаклида ёзиб келинаётган сўзшакл *sentyabr* тарзида берила бошланди. Расмий нашрларда *byudjet, kontsert, byulleten, evolyutsiya, myuzikl, penitsillin, prodyuser, valyuta, shlyuz* каби сўзшакллар ўрин олди. Охир-оқибатда, жамоатчиликнинг лотинча имломиз ҳақидаги фикри салбий томонга ўзгарди. Субъектив фикрлар маҳсули бўлган тавсиялар лотинча ёзувимиз тўғрисида нотўғри қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Хўш, бундай таклифларни қувватлаш мумкинми? Асло. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўзбек лотин алифбосининг график имкониятлари кирилча ёзувга нисбатан катта. Унда ҳар қандай сўзни акс эттириш имконини мавжуд. Лотинча алифбомиз мустақиллигимизнинг ёрқин намунаси, сиёсий тафаккур маҳсули, Биринчи Президентимиз кўрсатиб берган узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан бири, “республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратиб берадиган алифбо” (*Она тили – давлат тили. Т.: Адолат, 2004, 20-б).* Шундай экан, уни ислоҳ қилиш ёки кирилчага қайтиш йўлидан эмас, балки унга қатъий амал қилиш, мавжуд имло қоидаларини такомиллаштириш йўлидан боришимиз зарур. Негаки, XX асрнинг ўзида алифбонинг уч марта ўзгариши қандай оқибатларга олиб келганини унутишга ҳаққимиз йўқ. Айни пайтда бу борада дунё халқларининг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Маълумки, Европанинг ривожланган халқлари неча асрларки битта ёзув — лотин тилидан мерос 26 ҳарфдан фойдаланади. Уларнинг алифбосида жуда кўп ҳолатларда товуш ва ҳарф мутаносиблиги йўқ бўлса-да, алифбони ислоҳ қилиш ёки бошқаси билан алмаштириш йўлини тутмайдилар. Шунингдек, арман ва грузин халқлари алифбосининг неча-неча йиллардан буён хизмат қилиб келаётгани ҳам маълум. Улар ҳам алифбони ўзгартиришга шошмадилар. Биз эса нима учундир ёзув тизимини тезроқ алмаштиришга, авлоддан-авлодга ўтиши лозим бўлган маданий-маънавий меросдан маълум маънода мосуво бўлишга ошиқамиз.

Тўғри, тилни халқ яратади, тил ва ёзув халқ учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам она тилимиз ва миллий ёзувимиз тўғрисида фикр билдиришга ҳаммамиз ҳақлимиз. Лекин ўша фикрлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган, таълим-тарбия тизимида синовдан ўтган бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишимиз мумкин. Шу ўринда Чустийнинг бир мисраси ёдга тушади: *Эл учун қилсанг зиён, тошларга ургин бошни.* Келинг, азиз юртдошлар, сизу бизни элга, халқ манфаатига, юрт келажагига зиён етказишдан Яратганнинг ўзи асрасин!

Fikr, mulohaza, taklif

Етти ўлчаб, бир кесайлик

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўзбек ёзуви ва имло қоидалари масаласи ижтимоий ҳаётимиздаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Айни шу масалаларни тезда ҳал қилишни давр тақозо этмоқда. Лекин алифбо ва имло масалалари бир кунда ҳал бўладиган техник масала эмас. Бунинг учун барча ўзбек зиёлилари бир ёқадан бош чиқариб, кундалик тил амалиёти натижаларини ўрганиб, масалани фақат лисоний томондан эмас, балки ижтимоий-сиёсий томондан ҳам таҳлил этишимиз зарур. Масала субъектив тарзда эмас, коллегиал равишда ҳал қилиниши лозим. Республика миқёсида тил-имло анжумани (қурултой)ни чақириш, тил, алифбо ва имло қоидалари бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш вақти аллақачон етилган. Негаки, 1969 йилда ўтказилган имло анжуманидан сўнг ўзбек ёзуви ва имло қоидалари масаласи махсус ўрганиб чиқилмаган. Шу сабабли ҳам ўзбек адабий тили, миллий ёзув ва имло қоидаларига бағишланган қурултой (кенгаш) ўтказиш, унда кенг жамоатчилик вакилларининг иштирокини таъминлаб, тил амалиётида синовдан ўтган, илмий-назарий асосланган қарашларни муҳокама этиб, қарорлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Анжуман (қурултой) қарорлари асосида бир неча типдаги имло луғатларини яратиш ва чоп эттириш зарур. Кейин эса айни шу имло луғатларига таянган ҳолда дарслик ва ўқув қўлланмалар, услубий тавсияномалар, соҳалар бўйича маълумотномалар тайёрлаш ўринли.

Айни пайтда барча нашриёт, газета ва журналларнинг муҳаррирлари, реклама агентликлари ходимларини ўзбек лотин алифбоси бўйича қайта тайёрлаш керакки, бу ўзбек имлосидаги бир хилликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларидаги титрларни назоратга олиш, муҳаррирларнинг имло бўйича малакасини ошириш ҳам жуда муҳим. Давлат ва хусусий киностудияларда тайёрланаётган фильмлардаги ёзув — титрларнинг имловий тўғри ёзилишини таъминлаш ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардан биридир.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам”.

Биз ўзини англаган, дунё тамаддунига беҳад ҳисса қўшган халқмиз. Алифбо ва имло қоидалари борасида ҳам тарих тажрибасидан келиб чиққан ҳолда келажак авлод олдидаги масъулиятимизни унутмаслик — биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Равшан ЖОМОНОВ,
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ доценти, филология фанлари номзоди

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Ўқитувчи изланувчан, ташаббускор бўлиши керак

Шу йилнинг 24-25 март кунлари Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган "Ижтимоий фанларни ўқитиш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг республика форуми тавсиялари

Мазкур форумда тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари, миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи (одобнома, ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари) фанлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 250 дан зиёд ўқитувчи, методист, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда олий таълим муассасалари олимлари иштирок этди. Анжуманда билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар жамланиб, улар асосида ижтимоий фанлар таълими, маънавий-маърифий ишлар сифати ҳамда мазмунини янада ошириш борасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.



1. Ижтимоий фанлар таълимининг сифат ва самарадорлигини ошириш, янги авлод дарслик-мажмуалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўналишида:

— ижтимоий фанлар бўйича яратилган янги авлод дарслик-мажмуалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш;

— ҳар бир таълим муассасаси кесимида ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг педагогик фаолияти сифати мониторингини олиб бориш, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишнинг изчил тизимини жорий қилиш;

— ижтимоий фанларнинг методик таъминотини яхшилаш, таълим муассасаларини миллий ғоя тарғиботига доир замонавий адабиётлар, методик қўлланмалар ва тавсиялар билан бойитиш;

— тарих дарсларида ўқувчиларнинг оиласи тарихи бўйича қисса ёхуд эссе ёзиш, оғзаки айтиб бериш ва воқеаларни мамлакат тарихи билан боғлай олишга йўналтирилган услубларни қўллаш;

— мактаб кутубхоналари ва фан ўқитувчилари учун "Қизиқарли тарих" журналини чоп этиш;

— ҳар бир ўқув фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажрибалар, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, амалиётга жорий этиш;

— ўқув-методик мажмуалар (дарслик, иш дафтари, методик қўлланма ва мультимедиали илова)нинг замонавий авлодини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

— ўқитувчилар учун компетенциявий ёндашувга асосланган услубий қўлланма ва тавсияларни яратиш, шахсга йўналтирилган интерфаол таълим технологияларини амалиётга жорий этиш;

— таълим сифатини яхшилашда самарадорлиги юқори бўлган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, инновацион технологияларни кенг қўллаш орқали ўқувчиларда муайян компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш;

— ижтимоий фанлар бўйича ўқув-методик мажмуалардаги дидактик машқлар, савол ва топшириқлар мазмунига ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга доир элементларни сингдириш;

— дидактик материалларни илмий-оммабоп, тушунарли, содда усулда етказишга мўлжалланган электрон ўқув модулларини яратиш;

— ахборот-коммуникация воситалари ва замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган дарс ишланмалари бўйича ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг "Очиқ дарслар" танловини ташкил этиш;

— ўқитувчилар эҳтиёжи асосида "Маҳорат мактаблари" режалари ва ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда машғулотларни самарали ташкил этиш.

2. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга самарали жорий этиш, фанларни ўқитиш тизимини замон талабларига мос педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш йўналишида:

— таълим муассасаларини ижтимоий фанлардан замон талабларига мос педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш:

— фанлар йўналишида электрон дарслик, ўқув фильмлар, электрон ахборот-таълим ресурсларидан, инновацион тажрибаларни анимация усулида бажариш имкониятларидан дарснинг янги мавзуни тушунтириш, мустаҳкамлаш босқичларида кенг фойдаланиш;

— ички ва ташқи мониторинг натижаларига кўра аниқланган бўшлиқларни тўлдиришда қўшимча машғулотлардан самарали фойдаланиш;

— педагогика олий таълим муассасаларида ижтимоий фанлар йўналишлари бўйича бакалавриат ва магистратура мутахассисликларининг малака ҳамда ўқув режа, дастурларини хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида такомиллаштириш;

— бўлажак фан ўқитувчиларида касбий компетентлиликни ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

— малака ошириш курсларида ўқитиладиган ихтисослик блоки модулларини оптималлаштириш, инновацион йўналишларда ўқув режаларига янги модулларни киритиб бориш;

— ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга доир мустақил фаолиятини таркиб топтириш;

— ўқитувчиларнинг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятини ташхислаш, ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда мониторингини олиб боришни ривожлантириш;

— ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан имкониятларидан мустақил, фаол фойдаланишига эришиш;

— 8-синфлар учун "Давлат ва ҳуқуқ асослари", 9-синфлар учун "Конституциявий ҳуқуқ асослари" дарсликларининг ўқитувчилар учун методик қўлланмаларини яратиш;

— машғулотларни илғор педагогик технологиялар, замонавий ўқув-услубий дастурлар асосида ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозаларига мос равишда бошқариш;

— ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва таълимда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;

— умумтаълим мактабларидаги "Ҳуқуқий саводхонлик бурчаги"ни доимий янгилаб бориш.

3. Мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ишини самарали ташкил этишдаги муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича:

— таълим муассасасида соғлом ижтимоий-психологик, ижодий ва маънавий муҳит яратиш, ўқув-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларга барҳам бериш;

— маънавий-маърифий ишлар бўйича алоҳида ютуқларга эришган таълим муассасалари ва педагог ходимлар тажрибасини оммалаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш, ўзаро тажриба алмашинувини кучайтириш;

— ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тадбирлар доирасида илмий, бадиий асарлардан фойдаланишнинг интерактив усулларини излаб топиш ва шу орқали уларда китобга муҳаббат уйғотиш;

— тарбияси оғир, ички ишлар идораларининг профилактика рўйхатига олинган ўқувчиларнинг қизиқиш ва иқтидоридан келиб чиқиб, тўгаракларга ва бошқа жамоат ишларига жалб этиш, уларнинг ижобий фазилатларини ривожлантириш;

— ўқувчи-ёшлар томонидан йўл қўйилган ҳар бир салбий (алдаш, таълим муассасасининг қонун-қоидасига риоя қилмаслик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва ҳоказо) ҳолатларнинг сабабларини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиб, уларни келгусида қайтармаслик чораларини кўриш;

— тарбиявий машғулотлар ва тадбирлар давомида ўқувчиларда коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаро бўлиш, умуммаданий ва фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиш компетенцияларини шакллантириб бориш;

— тарбиявий машғулотларда таълимнинг илғор технологиялари асосида ўқувчиларнинг фаоллигига эришиш, икки томонлама ҳамкорликни таъминлаш, мустақиллик ва онглилик тамойили асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш;

— ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги, самарасини аниқлаш ҳамда синф раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш мақсадида сўровномалар ўтказиш, натижаларини туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда таълим муассасалари кенгашларида муҳокама қилиш, ахборот хуружларидан муҳофаза қилишга доир услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

— тарбиявий соатларга ички ишлар ходимлари, маҳалла фаолларини таклиф этиш, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

— ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун оила аъзолари билан театр ва кинога боришларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, ижтимоий фанлар ўқитувчилари форумида тўпланган тажрибалар асосидаги ушбу тавсиялар ҳар бир фан ўқитувчиси учун муҳим қўлланма вазифасини бажаради.

Республика таълим маркази

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

"Ота болаларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан бирингина бажарган бўлади, — деб ёзган эди аҳли донишлардан бири. — У фарзандининг жамиятнинг жонкуяр аъзоси, инсон сифатида яқинлари, замондошларига манфаат етказадиган олижаноб қалб эгаси бўлиб камолга етиши учун жавобгарликни зиммасига олмоғи зарур. Агар ота шу учала масъулиятли бурчини адо эта олмас экан, ҳаётида катта хатога йўл қўйган айбдордир!".

Ибрат

унинг ўрнини ҳеч нима босолмайди

Жуда кўп суҳбатлар, турли тадбир, маънавий соатларга чақирилган ота-оналар даврасида шу маънодаги ибратли нақл, ҳикматли сўзларни келтириб ўтаман. Ёшлар тарбиясидек ўта масъулиятли жараёнда ҳамкор, ҳаммаслак бўлиб иш юритиш муҳимлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга уринаман. Таассуфки, ҳали-ҳануз айрим оталар таълим-тарбия иши — мактаб зиммасида, деган фикрда "қотиб" қолган. Бундай лоқайдлик, айниқса, бола юқори синфга ўтгани сайин ортиб боради. Ҳолбуки, бу ўринда "Бола катта бўлгани сари ташвиши ҳам каттаради" нақлига қулоқ тутадиган бўлсак, ўғил-қизимизнинг ёшига ёш қўшилиши – уларнинг ота-оналари билан кенгашадиган, ҳаётий муносабатларда турли саволларга жавоб излайдиган палласидир. Шундай дамда уни ёлғизлатиб қўйиш, "улғайиб ишга яради" деган назар билан фақат рўзғорга нафи тегишини талаб этиш туфайли бола кўнглида туғилган истеъдод ва қобилиятни сўндириш ҳеч гап эмас. Фейербах таъбири билан айтганда, "Қобилиятни кўрсатиш учун имконият бўлмаган жойда қобилиятнинг ўзи ҳам йўқ".

Кундалик ҳаётимизда кузатиладиган бир мисолга тўхталсак. Бошланғич синфда ўқиётган фарзандининг дарс қилиши, мактабга қачон бориб, қачон қайтишини назорат қилаётган, уй вазифаларини тайёрлашга озми-кўпми кўмаклашиб юрган ота-оналарнинг баъзилари боласи олтинчи, еттинчи синфга ўтиши билан "Энди ўзи уддалайди..." дея уй юмушларини уларнинг зиммасига юклаб қўяди. Тўғри, меҳнатга ўргатиш яхши. Бироқ унинг ҳам ўзига яраша йўл-йўриқлари бор. Дейлик, ота ўғлини, бобо набирасини эргаштириб дарахтга ишлов бериши, суғориб парваришлаши ибрат олса арзигулик машғулот. Лекин ўқувчи мактабдан келиши билан "Бугун мева солишга кўпроқ яшикни тайёрлаб қўй... Келгунимча уй ёғ тушса ялагудек бўлсин..." тарзида буйруқ майлидаги уқтиришлар бола кўнглини меҳнатдан ҳам, дарсдан ҳам совутади. Болага буюриб эмас, ўз амалимиз билан намуна бўлган яхши.

Қишлоқда яшаймиз. Аксар хонадон боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга: "Дарахт пайвандлашни биласизми?", "Қайси ўсимлик қачон суғорилади?" каби саволларни бериб, айрим ҳолларда ижобий жавоб ололмайман. Сабаби, уларга фақат иш буюрилади, ўргатилмайди! Ўргатиш учун эса оталарнинг ўзи ҳафсала қилиб, вақт ажратиши керак. Боланинг саволларига жавоб бериш ўрнига, бир оғиз гап ("Миямни ачитма!") билан ўзини соқит қиладиган оталар ҳам, афсуски, учрайди. Ўғил бола тарбиясида эса ота ибрати ниҳоятда каттаки, унинг ўрнини ҳеч нима билан ўлчаб ёки тўлдириб бўлмайди.

Фан доирасидан келиб чиқиб, ўқувчилар билан мисол ва масалалар ечар эканмиз: "Дейлик, ўн сотих ерингиз бор, мана шунча уруғни бунча вақтда қадаб, агротехник тадбирларни қўллаб иш кўрсангиз, бунча ҳосил оласиз... Математика, биология, меҳнат таълими фанларида эгаллаган билимларингизга амал қилмай тавакалига иш кўрсангиз, ҳосилда мана бунча зарарга учрайсиз..." сингари таҳлилларга эътибор қаратаман. Ўғил-қизлар дарсни жонқулоғи билан тинглашини кўриб суюниб кетаман.

Шиддаткор даврда яшаяпмиз. Шундай паллада айрим ота-оналар ўғил-қизларининг олдидаги бурчини уларнинг моддий эҳтиёжини қондиришгина деб билади. Фарзанд тарбиясида бу йўсин иш тутиш охир-оқибатда ўз-ўзимизга қимматга тушиши мумкин. "Ҳаётда ўз ўрнимни топишда, синовларни енгиб ўтишда асосий таянч нима эди?", "Болаларимга ана шуни ўргата билаяпманми?". Ҳар бир ота ана шулар ҳақида фикр қилса, нур устига нур.

Дилором ХОЛДОРОВА,
Уйчи туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

«Бу гапни бошқачароқ қилиб қандай айтиш мумкин?»

Бу каби саволлар ўқувчининг мустақил фикрлашига, сўз бойлигини оширишга ва нутқини равонлаштиришга хизмат қилади



1-синф болаларига товушларни бир-биридан фарқлаш ва тўғри талаффуз этишни ўргатиш мураккаб жараён эканига тажрибамда амин бўлдим. Шу сабаб, сўзларни товуш нуқтаи назаридан таҳлил қилувчи системали машқлар ўтказишни йўлга қўйдим. Бу усул ўқувчининг оғзаки нутқини ўстириш ҳамда тўғри ёзишни ўрганишида муҳим бўлган феноматик эшитиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берди.

Ўқитувчи бола олдига феноматик, лексик, грамматик жиҳатдан зарур талаблар қўйса, нутқнинг жумлалардан, жумлаларнинг сўзлардан, сўзларнинг бўғинлар ва товушлардан ташкил топишини билиб олади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқишни ўргатиш жараёни уч босқични — товушлар ва уларни ифодаловчи ҳарфлар билан танишадиган аналитик, ўқиб туриб, товушларни бўғинларга, бўғинларни эса сўзларга улайдиган синтетик, товушларга тўғри келувчи ҳарфларни тез топадиган, сўзларни тез ўқиб, қийналмасдан бирлаштирадиган аналитик-синтетик босқични ўз ичига олади.

Агар ўқиш пайтида бола ҳарфлардан товушларга томон борса, ёзишни ўрганиш вақтида аксинча, товушлардан ҳарфлар томон боради. Ёзиш малакасини шакллантиришда эса тўртта босқич бир-биридан фарқ қилади. Биринчи босқич — бола ёзув ашёларидан фойдаланишни ўрганадиган жараён. Бу кўпинча мактабгача таълим ёшиданоқ расм чизиш жараёнида юз беради. Иккинчи — ўқувчи ҳарфларнинг элементларини ёзишни ўрганадиган аналитик, учинчи — ҳарфларни алоҳида ёзадиган ва ниҳоят тўртинчи — ҳарфларни бир-бирига боғлаб сўз ёзиш босқичи. Бу жараён дастлаб жуда секин боради, сўнг тезлашади. Кўпинча ёзув сифатининг вақтинчалик пасайишига сабаб бўлади. Агар ўқитувчи ўқувчининг ишига эътибор билан қараса, бу камчиликка йўл қўймаслиги ёки махсус машқлар ёрдамида унинг олдини олиши мумкин.

Оғзаки нутқни ўстириш жараёнида вазифа сифатида берилган матнни сўзма-сўз такрор айтиш билан чекланишга йўл қўймадим. Аксинча, қўшимча саволлар бериб, жавобларни ўз сўзлари билан баён этишни талаб қилдим. Бунда ўқувчи китобдан ўқиган матнни бирмунча қайта қуради, мазмунга мос равишда янги гаплар тузади. Шу сабаб ўқувчиларимдан: "Бу гапни бошқачароқ қилиб қандай айтиш мумкин?" деб сўрайман. Улар эса руҳланиб, тайёр матнни такрорламасдан, эркин фикрлашади.

Нутқни ўстиришда эркин мавзудаги ёзма ишлар, шунингдек, диалогларга мурожаат этаман. Суҳбатларда болалар мустақил ўйнашни ўрганади, тушунарли нутқ юзага келади. Уларнинг сўзини бўлмай, охиригача тинглайман. Сўнг ҳикоядаги камчиликларни кўрсатишга жалб этганимда ўз нутқини таҳлил этишга киришади. Бу, нутқнинг равон ривожланишига катта ёрдам беради. Ўқилган матнни оғзаки ва ёзма тарзда қайта ҳикоя қилиш ўқувчида боғланишли нутқни ўстиради. Бошланғич синфларда изоҳли ўқиш ҳам фойдали бўлиб, болалар сўзларнинг маъносини аниқлаб, маънодош ва шаклдошларни танлаб олишади.

Гулноза МУРОДУЛЛАЕВА,
Чортоқ туманидаги
53-мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

Набирангиз достонларни соғинган, бувижон

Одамизод ҳаётда рўй берадиган турли ҳолат ва вазиятларда санъатга эҳтиёж сезади. Бунда сўз санъатининг ўрни, қуввати ўзгачадир. Донишманд аждодларимиз фарзанд тарбияси бобида бу мўъжизанинг имкониятларидан оқилона фойдаланганини яхши биламиз. Англаймизу ҳар доим ҳам бунга амал қилавермаймиз. Айниқса, инсоннинг феъл-атвори, руҳияти, эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилувчи, қалбида урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат ҳиссини қарор топтирувчи халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат қилишга ҳамма оилаларда ҳам эътибор қаратилаяпти, дея олмаймиз. Зеро, жуда кўп машҳур шахслар, эл ардоғидаги замондошларимизнинг болалик хотираларига қулоқ тутсак, уларнинг афсонаю достонлар тинглаб ақлини таниганига гувоҳ бўламиз. Аксарият ҳолларда бобою бувижонлари бу вазифани адо этишган. Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Рустам, Широқ, Тўмарис, Барчиной сингари халқ қаҳрамонларига ҳавас қилиш, мурғак ва беғубор кўнгилларида улардек бўлишга интилиш орзуси ватанпарвар, ўз юрти, оиласи, касб-корининг фидойиси сифатида эъзозу эҳтиром топишига асосий замин яратган. Хўш, бугун нега болажонларимиз халқ оғзаки ижодининг бундай ноёб дурдоналари таъсиридан узоқроқдек? Барча муҳтарама отахону онахонларимиз набираларини атрофига жамлаб афсонаю эртаклар, топишмоғу достонлар сўзлаб беришга вақт ажрата олмаяптиларми ёки болажонларимизда уларни тинглашга тоқат йўқми? Ҳар қандай вазиятда ҳам хонадон улуғларининг ёш авлод таълим-тарбиясида хизмати салмоқли. Ҳатто энг "қулоқсиз" эркатой ҳам бобо-бувисининг гапини икки қилишга ботина олмайди. Набираларингизга достонлар сўзлаб беринг, моможон! Сизнинг ана шу ёрдамингизга муҳтожмиз. Токи, бугунги техника асрининг ўғил-қизлари шундай бебаҳо қувватдан бебаҳра ўсмасин.

Холида ЖЎРАЕВА,
Зарафшон шаҳридаги
3-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Ер инсон меҳридан яшнайди

Она ер — Ватан, одамзоддан то набототу ҳайвонот олами қўним топган табаррук макон. Унингсиз на ҳаёт бор, на тараққиёт. Айни пайтда ер табиий бойликлар сафида давлат ва жамият учун катта аҳамиятга эга. Шу боис ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш умуммиллий эътибор қаратиладиган долзарб масалалардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида ўтган йиғилишлардан бирида ҳар йили 22 апрель санасини "Халқаро Ер куни" сифатида нишонлаш таклифи бир овоздан маъқулланган ҳам бежиз эмас.



Кези келганда айтиб ўтишимиз жоиз, амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, эрозия сувларининг жойлашиши кескин даражада бўлган майдонлар қисқариши, кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдони камайиши кузатиляпти. 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, сизот сувлари ер сатҳидан 2 метр ва ундан баландда жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга камайгани фикримиз далилидир.

БМТ маълумотларида келтирилишича, бугунги кунда дунё бўйича йилига қарийб 6 миллион гектар ер чўлга айланмоқда. Ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи ирригация ва мелиорация ишларидаги хато ва камчиликлар боис деградацияга учраб, зироатчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлақ яроқсиз ҳолга келган. Ер деградацияси, яъни унинг яроқсиз ҳолга келиши бугун дунё бўйича 1,2 миллиард кишининг яшаш шароитига, умуман, ҳаётига хавф туғдирмоқда. Бу глобал экологик муаммоларга оқилона ечим топиш, табиатга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган илк йиллардан бошлаб ерга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада кенг кўламли ислоҳотлар олиб боришга қаратилган кўплаб қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши бебаҳо неъматдан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Аграр соҳанинг жонтомири бўлган ерга эътибор, ушбу соҳада улкан ютуқларни қўлга киритишда ўзига хос замин бўлди. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ривожига қўшган ҳиссаси учун бериладиган нуфузли мукофотга лойиқ кўрилган 14 давлат орасида жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳам борлиги ана шу саъй-ҳаракатлар маҳсулидир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг 30 миллион кишидан ортганига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми бир неча баробарга ошгани, ҳар йили дунёнинг 80 давлатига 180 дан ортиқ турдаги мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларимиз экспорт қилинаётгани ҳам халқимизнинг ерга меҳри, фидокорона меҳнатлари самарасидир.

— Ўзбекистон БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети профессори, биология фанлари доктори Лазиза Ғофурова. — Бундан ташқари, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш ва соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Тараққиёт Дастури, ИКАРДА, GIZ ва бошқа кўплаб халқаро институт ҳамда ташкилотлар билан кенг кўламли алоқалар йўлга қўйилгани юртдошларимиз, хусусан фермер ва тадбиркорларимиз учун янги имкониятлар яратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон билан Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида озиқ-овқат йўналишида умумий қиймати қарийб 1,6 миллион долларлик тўртта шартнома, шунингдек, 2014—2017 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш масалалари белгилаб берилгани соҳа мутахассислари, олимлар зиммасига муҳим вазифалар юкламоқда. Зотан, бугунги кунда ердан фойдаланишнинг бозор иқтисодиётига мос шакллари вужудга келиб, аҳолининг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда маҳсулдорликни ҳам ошириш талаб этилмоқда.

— БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда республикамизда кўплаб лойиҳалар, жумладан, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан биргаликда умумий қиймати 2,5 млн. АҚШ долларига тенг "Ўзбекистоннинг тоғли, ярим чўл ва чўл ландшафтларида суғорилмайдиган қурғоқчил ерларнинг рақобатли эксплуатация қилиниши натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш босимини камайтириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда, — деди "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раиси А.Абдуллаев. — Мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг ўзаро уйғун саъй-ҳаракатлари юртимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини замонавийлаштириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, жаҳон миқёсида тан олинган илғор тажрибаларни юртимиз шароитларига мослаб фойдаланишга қаратилгандир.

2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши қўмитамиз томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланишига туртки бўлди. Хусусан, ерга доир қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика ва тарғибот ишларини доимий ўтказиш, ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, ер қонунчилигидаги долзарб масалалар юзасидан анжуман ва семинарлар ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқароларни қўмита фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасига жалб қилиш, мавжуд ерларимиздан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этишга жиддий аҳамият берилаётир.

Чиндан ҳам, ер инсон меҳри билан боғу бўстонга, гулзору чаманга айланади, ўз марҳаматини дариғ тутмайди — ризқу насиба улашади. Аммо у ўзига нисбатан бефарқ муносабатда бўлганларни кечирмайди. Халқаро Ер куни муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган "Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда мазкур эзгу ғоя яна бир карра йиғилганларни ҳушёрликка чорлади. Аслида она заминга муносабат, уни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш масаласи ҳамиша долзарб эканини тарғиб этиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Анжуман Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда ерлар деградациясининг олдини олишга қаратилган чоралар самарасига эришиш, саноатни ривожлантиришда экологик мувозанатни ҳисобга олиш, ер ресурсларини бошқариш бўйича халқаро лойиҳалар кўламини кенгайтириш, ерларнинг унумдорлигини, экологик тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш ҳамда юқори малакали тупроқшунос кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ вазифаларга оид маърузалар тингланди. Ер ресурслари, уларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, ер ва сув ресурсларини бошқаришнинг илмий ва ҳуқуқий асослари, тупроқ унумдорлигини оширишда янги технологияларни қўллаш, деҳқончиликни биологизациялаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари, суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолати, жумладан, трансчегаравий ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш истиқболларига доир республика ва халқаро миқёсдаги фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион изланишлар натижалари борасида атрофлича сўз юритилди.

Семинар доирасида олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш олимларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмфан соҳасида олиб бораётган тадқиқот натижаларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, ёшларнинг касбий малакасини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, талаба-ёшларни илмий ижодиётга кенг жалб қилишга қаратилган "Ўзбекистон тупроқшунослиги долзарб муаммолари ва истиқболлари: озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва замонавий агробиотехнологияларни қўллаш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ер ресурсларининг ҳолати, муҳофазаси, улардан самарали фойдаланиш, замонавий экологик соф технологияларни жорий қилиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Ёш олимлар ҳам бу борада ўз фикрларини билдирди.

— Тупроқшунослик мутахассислиги бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ёшларнинг ўз маърузаларини хорижий тилларда тақдим этиши қувонарли, — деди Лазиза Ғофурова. — Чунки бугунги олимлар хорижий тиллар билимдони бўлиши зарур. Улар бугун интернет тармоғи орқали энг ривожланган мамлакатларда яратилаётган илмий, услубий манбалар билан танишиб, Ўзбекистоннинг иқлими, тупроқ структурасига мосларини ҳар жиҳатдан ўрганиб, тажрибалар хулосасини таҳлил қилмоқда. Зеро, бунинг ўзи ҳам ёш олимларимиз учун улкан илмий ишдир.

Шунингдек, анжуманда иқтидорли талабалар, магистрантлар, лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида 22 апрель — Халқаро Ер кунига бағишланган "Энг яхши илмий иш" танлови натижалари эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Сана муносабати билан ташкил этилган "Тупроқ унумдорлигини оширишда замонавий агроэкобиотехнологиялар" мавзусидаги илмий-амалий, инновацион ишлари кўргазмаси ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Унда олимлар, мутахассислар, фермерлар ўзларининг янги ишланмалари билан қатнашди. Анжуман қатнашчилари "Ёш олимлар илмий-инновацион тажриба майдони"да олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам танишди.

Бир сўз билан айтганда, илмий-амалий анжуман илмфан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, фан ва амалиёт ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш, таълим сифатини таъминлашда "Таълим-фан ва амалий тажриба негизида" тамойилини қўллаш йўлйўриқларини белгилаб олишга хизмат қилиши билан фойдали бўлди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

САЙЁРАМИЗ МАРКАЗИДА ҚОРАМТИР ТУЙНУК

Астрономлар маълум қилишича, сайёрамиз марказида жойлашган биринчи қорамтир туйнук суратга олинди. Бу ҳақда "Phys.org" манбаси хабар берди.




Олимлар катта ҳажмдаги қорамтир туйнукни кўриш мақсадида "Event Horizon" телескоп тармоғидан фойдаланди. Мазкур туйнук ердан узоқлиги 26 минг йил масофадаги Ўқотар юлдузига яқин. Сомон йўли марказида жойлашган, объект "Ўқотар А" деб номланади. Кузатув 5 кеча давом этган ва туйнукдан нур таратадиган радиотўлқинлар рўйхатга олинган.

Маълумотлар бир неча ой мобайнида АҚШнинг Массачусетс штатида жойлашган "MIT Haystack" обсерваториясида ўрганилади.

Астрономлар воқеага туташ бўлган жой — диаметри 20 минг км.га тенг уфқни кўриш умидида. "Event Horizon Telescope" таркибида 8 та обсерватория бўлиб, астроном Майкл Бремер (Michael Bremer) таъбири билан айтганда, улар биргаликда 10 минг километр масофада ҳаракатланиб, фаолият юритади. Бу эса фазода туриб олинган расмларни катталаштириш ҳамда батафсил текшириш имконини беради.

ЧАҚАЛОҚЛАР НЕГА ЙИҒЛАЙДИ?

Буюк Британиядаги Уорик университетининг тадқиқотчилар гуруҳи энг йиғлоқи ва энг хотиржам болалар қаерда яшашини аниқлади. Тадқиқот натижалари "The Journal of Pediatrics" журналида эълон қилинди.



Жараёнда турли мамлакатларда улғаяётган 8700 дан ортиқ чақалоқ ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, энг йиғлоқи чақалоқлар Буюк Британия, Италия, Канада ва Нидерландияда, энг бамайлихотир болалар эса Дания, Германия ва Японияда истиқомат қиларкан.

Йиғига болаларнинг тана аъзолари санчиб оғриши, аниқроғи, ошқозони, буйраги ва нафас йўлларидаги оғриқ асосий сабаб бўлган. Маълум бўлишича, Канадада уч-тўрт ҳафталик чақалоқларнинг 34,1 фоизи, Буюк Британияда туғилганига бир-икки ҳафта тўлган 28 фоиз чақалоқ йиғисининг сабаби ҳам айнан шу омил экан. Энг паст кўрсаткичлар Дания ва Германияда қайд этилди (мос равишда уч-тўрт ҳафталикда 5,5 фоиз ҳамда уч-тўрт ҳафталикда 6,7 фоиз).

Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай фарқ ота-оналарнинг ўз зурриёди ривожланиши борасида қайғуриши ва генетик омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Энди олимлар дунёнинг баъзи давлатларидаги болаларда нима сабабдан санчиб оғриш ҳолатлари камроқ кузатилиши сабабларига ойдинлик киритмоқчи.



БОЛА МИЯСИДАГИ КЎКИМТИР МОДДА НИМА?

Япониядаги Тоҳоку университети олимлари экран қаршисида кўп ўтириш кўриш қобилиятини пасайтиришини яна бир бор исботлади, деб ёзилди "Лента" манбасида.

Университет сайтида маълум қилинишича, тадқиқотчилар 5 ёшдан 8 ёшгача бўлган 276 нафар боланинг пешона тузилишини ўрганиб чиқиб, телевизор қаршисида кўп ўтирадиган кичкинтойлар манглайи тузилишида катта ўзгаришлар юз берганига амин бўлди.

Тажрибада иштирок этган болалар ҳар гал танаффуссиз икки соатдан кунига 4 соат телевизор томоша қилган. Сўнгра бола миясидаги ўзгаришлар МРТ (магнит резонанс томография) қилиниб, мунтазам текшириб борилди.

Мазкур жараёнда телевизорга кўп тикилган болалар миясининг олд қобиғида кўкимтир модда тўпланиши кузатилган. Ҳолбуки, миянинг меъёрий ривожланиш жараёнида қобиқда кўкимтир модда камайиб бориши лозим. Аксинча ҳолат эса бола интеллектига, яъни атрофдагилар гапини таҳлил этиш, сўзлар маъносини англаш ва уларни эслаб қолиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАР ҚАЕРДА САҚЛАНАДИ?

Россиядаги Миллий ахборот маркази мутахассислари давлат сирларига доир махфий маълумотлар билан ишловчи махсус операцион тизимни ишлаб чиққани ҳақидаги мақола "Известия" газетасида босилди.



Ҳукуматга қарашли "Ростех" корхонаси бўлинмаси "Linux" базаси негизида "Ось" (ўқ) тизими яратилди. Ушбу тизим федерал ва минтақавий органлар бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлатга тегишли бирлашма ва компаниялар учун мўлжалланган.

Нашрда Россияда кўпдан бери "Заря" ва "Рассвет" каби тизимлар мавжудлиги, бироқ улар амалда мамлакат Мудофаа вазирлиги учун жорий этилгани таъкидланган.

Миллий ахборот маркази мутахассисининг айтишича, "Ось"нинг алоҳида фарқли хусусияти шундаки, тизимни "MS Windows" ва бошқа қатор дастурларга мослаштириб, амалиётга татбиқ этиш мумкин.

Айни вақтда "Ось" тизими Россия алоқа коммуникациялари вазирлигида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар тизимни ёқиш учун мамлакат дастурий таъминотига буюртма берган.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ ва Дилноза ЖЎРАЕВА тайёрлади.

Диққат, танлов!

"ЭНГ ЯХШИ ЁШ ИШЧИ КАСБ ЭГАСИ" ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ишчи мутахассислар, ўқувчи-ёшларнинг касбий маҳоратини оширишга кенг имконият яратиш, уларнинг қобилиятлиларини аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови ўтказилади.

"Қишлоқ хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш механиги", "Компьютер инжиниринги техниги", "Дастурий инжиниринги техниги", "Пайвандлаш ишлари техниги", "Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик", "Умумқурилиш ишлари устаси", "Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси", "Ошпаз", "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси", "Миллий ва бадиий либослар модельери" номинациялари бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ишчи мутахассислар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари таклиф этилади.

Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда талабгор ўзи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) касаба уюшмаси кенгашига (қабул комиссиялари) тегишли ҳужжатларни жорий йилнинг 30 апрелига қадар тақдим қилади.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳужжатларни ўз ўқув муассасаси қошидаги комиссияга топшириши тавсия этилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг эсдалик совға ҳамда дипломлари билан тақдирланади.

Танлов уч босқичда, яъни туман (шаҳар)ларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда республика тармоқлари миқёсида ўтказилади.

Танлов тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар билан Касаба уюшмалари федерациясининг интернет тармоғидаги **www.kasaba.uz** портали орқали танишишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун Касаба уюшмалари федерациясидаги (+998 71) 252-21-19, 256-76-57, 256-48-81 телефон рақамларига мурожаат қилинг.

Ислоҳотлар — халқ манфаати учун

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Интерпол" миллий марказий бюросида "Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар" мавзусида ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, халқ манфаатлари устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифа ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир мурожаатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини кутаётган қатор муаммо ва масалалар мавжудлигини кўрсатди, — дейди Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Акромхон Бобохонов. — Уларни бартараф этиш ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида замон талабидан келиб чиқиб қабул қилинган ушбу муҳим меъёрий ҳужжатлар халқ манфаатларини таъминлашга ҳизмат қилади. Айни пайтда чуқур таҳлиллар асосида мавжуд камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаби, салбий оқибатларини бартараф қилиш, бугунги кун нуқтаи назаридан ички ишлар органлари барча ходимларининг масъулиятини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Брифингда ички ишлар тизимидаги янгиликлар тўғрисида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА

* * *

Ички ишлар вазирлиги маданият саройида ИИВ Хоражга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази масъул ходимлари иштирокида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида яшовчи аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда Ўзбекистон фуқаролигини олиш ёки ундан чиқиш, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятига прописка қилиш, биометрик паспорт расмийлаштириш, чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсатнома (стикер) олиш бўйича қонунда белгиланган тартиб-таомиллар, унинг мазмун-моҳияти юзасидан фуқароларга батафсил маълумот берилди.

Мулоқот давомида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республикамиз ҳудудида вақтинча ва доимий рўйхатдан ўтказиш, оила қуриш ёки хизмат юзасидан юртимизнинг бошқа ҳудудларидан келиб, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятига прописка қилиш масалалари юзасидан фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиб, мутахассисларнинг тегишли кўрсатмалари берилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида истиқомат қилаётган 16 ёшга тўлган йигит-қизларга илк бор Ўзбекистон фуқароси паспорти тантанали тарзда топширилди.

Нигора АБДУҚОДИРОВА

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Эзгуликка ошно қалб

Устознинг ўзига хос ҳаёт йўли бор. Бу номга сазовор бўлгунча сабр-бардош, тинимсиз изланиш, ўқиб-ўрганиш талаб этилади. Шогирднинг муваффақияти устознинг мавқеини белгилайди. Устознинг кўрсатган йўл-йўриқлари, тарбия мактаби шогирдлар ҳаёт йўлини қуёш мисоли ёритиб туради.



Elda aziz

Ана шундай устозлардан бири Муртазо Султонов доимо барчамизга ибрат бўлиб келган. У киши 1972 йилдан бошлаб, қарийб эллик йил Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида масъулиятли лавозимларда фаолият юритган. Бир сўз билан бу инсонни бунёдкор устоз, дейиш мумкин. Сабаби, у юзлаб мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртларининг барпо этилишига улкан ҳисса қўшган. Ўзбекистонда, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи, деган юксак унвонларга сазовор бўлган. Аммо бугун Муртазо аканинг қурувчилик ё журналистик фаолияти, вазирлик ва ҳокимликларда маслаҳатчи вазифаларини бажараётгани ёки Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари, биринчи даражали Олий ҳакамлик судьяси эканлиги эмас, балки ўзига хос инсонийлик фазилатлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Устознинг дилкашлиги, катта-кичикка бирдек хушмуомала экани, барчага яхшилик қилишдек улуғ нияти одамлар қалбида ишонч, ҳурмат, иззат-икром, эҳтиромни пайдо қилди. Қаҳрамонимиз минглаб, балки миллионлаб одамларнинг қалбида одамийликнинг муҳташам бинолари, беқиёс саройларини бунёд эта олди.

У киши кириб борган ҳар бир даврада чароғонлик, ёруғлик пайдо бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов бир мақоласида Муртазо Султоновни эл ичига сингиб кетган одам, деб таърифлаган эди. Ҳақиқатан, бу инсон тўю маъракага биринчи бўлиб етиб боради. Қувонган одамнинг қувончига шерик бўлса, бошига мусибат тушганда биринчи бўлиб кўнгил сўрайди. Барчага бирдек дардкаш бўлиш осон эмаслигини айтганимизда, у инсон шундай жавоб қайтаради:

— "Аслида инсонга кўп нарса керак эмас, озгина эътибор, ҳаётда юз берган у ёки бу хурсандчилигини бирга баҳам кўриб, оғир дамда эса ёнида туриб, ҳамдардлик билдирилса, бас... Кўнгил жуда нозик маскан. У ерга ҳаммаям киравермайди. Ундан жой олиш мушкул. Самимият ва меҳрибонлик ҳукмронлик қилган қалбга ёмонлик ҳеч қачон соя солмайди. Агар инсонлар қалбига йўл топмоқчи бўлсанг, шу икки ҳислатингни улардан аяма".

Дарҳақиқат, инсонлар кўнгидаги ишончли ва муҳташам бинолар шундай машаққатлар билан бунёд этилади.

Устоз Муртазо Султонов муборак 80 ёшни қаршилаш арафасида. Шу нуроний ёшда ҳам эл-юрт равнақи йўлида фаолият олиб бораётгани барчамизга ибратдир.

Зеро, қадим битик — "Авесто"да ёзилганидек "Бошқаларга яхшилик қилиш — бу мажбурият эмас, бу қувонч, чунки у сизга саломатлик ва бахт келтиради". Устознинг тетик ва бардамлигининг сири ҳам бажараётган эзгу амалларидадир.

Ислом ЗОКИРОВ,
педагогика фанлари номзоди
Ҳумоюн АКБАРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Олтиариқ тумани Янгиараб қишлоғида яшовчи Усмонали ота Охунжонов 104 ёшда. Отахон данагидан мағзи ширин деганларидек, набиралари қуршовида, яқинлари, маҳалладошлари бир зум ёлғизлатиб қўймайди. Қишлоқ врачлик пунктининг малакали шифокорлари у кишининг соғлиғидан мунтазам хабар олиб туради.

104 ёшли отахон

"Чордара" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фазлиддин Маматқулов, котиб Назириддин Мадалиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гўзалхон Пўлатова, тумандаги 28-мактаб директори Эркинжон Ҳамидов бошчилигидаги устоз ва ўқувчилар 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида отахонни йўқладилар.

— Дориломон кунларга осонликча эришилгани йўқ, — дея эслайди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Усмонали ота. — Кўз ўнгимда уруш йилларининг қийинчиликлари гавдаланади. Озиқ-овқат захираси тугаб қолганда очликнинг минг азобига чидаганмиз. Чанқаганимизда сув тополмасак ҳам, душманга қарши ҳужумни давом эттирганмиз. Оиламиздан тўрт акаука урушга сафарбар этилдик. Тожибой акам ва мен омон қайтдик. Афсуски, укаларим ҳалок бўлди. Олис юртларда Ўзбекистонимиз учун, халқимиз учун жон олиб, жон бердик, — дея меҳмонларга юзланади отахон.

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 16 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва кўплаб меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари улашилмоқда. "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик", "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият" шиорлари остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар ёшларимиз учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ
Олтиариқ тумани

Ўрта Осиё давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг физика-математика факультетини муваффақиятли тугатган Ғайбулла Солиҳов анчадан бери ўйлаб юрган мавзулари устида тадқиқотлар олиб боришга киришди. Илм билан шуғулланишни игна билан қудуқ қазишга бежиз менгзашмайди. Бунинг учун катта иқтидор, ўз устида тинимсиз ишлаш талаб этилади.

Умрлар бўладики...

Шунинг учун ҳам ёш тадқиқотчи ўқишни аспирантурада давом эттиради. Илмий раҳбари, академик Сергей Соболев янги аспирантининг истеъдодини дарҳол пайқайди ва шогирди ҳисоблаш математикаси, аниқроғи, таркибий интеграллаш назарияси билан шуғулланиши учун тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар бериб боради. Бир неча йиллик машаққатли изланишлар ўз самарасини кўрсатади. Тиришқоқ ёш олим номзодлик диссертациясини ёқлагач, Кибернетика институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири вазифаларида фаолият юритади. Ҳисоблаш математикасига тааллуқли янгиянги йўналишлар очишга уринади. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан кўп ўлчовли сфералар учун инвариант кубатур формулалар назариясига оид ажойиб натижалар олинади. Мазкур тадқиқотлар F.Солиҳовнинг докторлик диссертацияси асосини ташкил этди. Устознинг фан оламига қўшган бу улуши мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, кейинчалик соҳада илмий мактаб яратилишига замин яратди.

Ғайбулла Солиҳов матбуот билан ҳамиша ҳамнафас яшади. Жонкуяр олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-математикага доир ахборотномалари, "Ҳисоблаш ва амалий математика масалалари" тўпламлари сингари нашрларда 50 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари билан фаол иштирок этди. Шафқатсиз ўлим илм-фан фидойиси, юзлаб шогирдлар қалбида чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотган устозни айни куч-қувватга тўлган 47 ёшида орамиздан олиб кетди. Аммо ҳамон унинг ёди хотираларда яшаётир. Назаримизда, шоир Мақсуд Шайхзоданинг "Умрлар бўладики, мангуликка тирикдир..." деган мисралари айнан у каби фидойи инсонлар ҳақида ёзилган. Билганлар домлани ҳамиша қатъиятли, ишчан, камтар, ширинсўз, дилкаш, ҳақиқий дўст сифатида ёдга оладилар.

Ажойиб инсон, йирик математик олим қисқа умр кўрган бўлса-да, назарий ва амалий математика соҳасида олимларни бирлаштирувчи кўприк вазифасини ўтади, десак янглишмаймиз. F.Солиҳов "Кибернетика" илмий уюшмаси, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда бошқа қатор институтларда фаолият юритаётган олимлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб, юртимиз равнақи учун катта ҳисса қўшадиган фундаментал илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилди.

Мирсид АРИПОВ,
Физика-математика фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,
Раҳматилла АЛОЕВ,
физика математика фанлари доктори, профессор

Жонкуяр ўқитувчи эди

Хотира — инсонийлик туйғуларини ўзида мужассам этган умр китобининг ноёб битигидир. Усиз ўтмишни бор мураккабликлари билан англаш, бугуннинг қадр-қимматини тўғри баҳолаш, келажакни тасаввур қилиш мушкул. Инсон орзу-умидлар билан яшайди ва қалбида куртак ёзган бу ниятларнинг ушалиши йўлида ҳаракат қилади, изланади. Қалбнинг чинакам меъмори ҳисобланган ўқитувчилар ана шундай эзгу ниятли зотлардир.

Қатор йиллар таълим-тарбия соҳасида фаолият юритган ўқитувчи опам — устозим Сайёра Сотиболдиева 45 ёшида бевақт оламдан ўтди.

Xotira — muqaddas

Оилада 7 нафар фарзандмиз. Болалигимни эсласам, отамнинг "Қизларимни ҳам албатта ўқитаман. Қиз бола палахмон тоши, борган жойида қийналмай яшаши, фарзандларига яхши тарбия бериши учун ҳам ўқиши керак...", деган гаплари ёдимга тушади. Ҳақиқатан ҳам, биз тўртала опа-сингилнинг педагог бўлиб етишишимизда у кишининг ҳиссаси катта. Касбини астойдил севган, топган-тутганини оиласи, ҳамкасблари, ён-атрофидагилар билан бирга баҳам кўрадиган, ҳаммага ёрдам қўлини чўзгувчи оқила, хокисор Сайёра опамизнинг умри қисқа экан.

Мутахассислик дипломини қўлига олгач, ўзи таҳсил олган Пахтакор туманидаги 12-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган опам тақдир тақозоси билан Тошкент вилояти Пискент туманидаги 15-мактабда фаолиятини давом эттирди. Пойтахтга яқин бўлганлиги сабаб ҳам у таълим соҳасидаги янгиликлардан тез воқиф бўлар, бу маълумотларни шу ондаёқ менга етказишга ҳаракат қиларди. Олиб бораётган ишларимни назорат қилиб, муваффақиятлар сари руҳлантириб турарди.

Оиламизда ҳам унинг ўрни ўзгача эди. Бирор байрам-тадбирда йиғиладиган бўлсак, ҳаммадан биринчи бўлиб етиб келарди.

Отам эса негадир "Энаш қизимнинг йўли узоқ-да", дея гоҳи-гоҳида чуқур хўрсиниб қўярди. "Опам оилавий тадбирларимизда ҳаммадан олдин ҳозир бўлса, дадам нега бундай деркин..." деб ўйлардим. Буни қарангки, кун келиб отамизни сўнгги манзилга кузатар чоғимизда Сайёра опам вақтида улгуролмади. Шундагина отамнинг ўша пайтларда кўнглидаги гап маънисини уққандай бўлдим. Орадан беш йил ўтар-ўтмас бахтсиз ҳодиса туфайли Сайёра опам ҳам дадажоним ёнидан ўзига абадий ошиён қурди.

Ҳар тонг мактаб томон йўл оларканман, опажонимнинг самимий ва камтарин қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Гўёки у жилмайибгина "Синглим, мактаб — муқаддас даргоҳ. Синфхонага киришга ҳозирмисан? Ўқитувчи жонкуяр, фидойи бўлиши шарт..." дея таъкидлаётгандек туюлади.

Сурайё СОТИБОЛДИЕВА,
Пахтакор туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)

Аждодларимиз ўйнаган ўйинлар

бугунги болаларнинг ҳам севимли машғулоти

Қишнинг қаҳратон кунларидан чиқиб, кўкламни қаршиладик. Баҳор фасли энг аввал болажонларга чексиз шодлик олиб келади. Қолаверса, кичкинтойлар бу мавсумда боболаримиз ва момоларимиз тилидан тушмайдиган, унутилиб кетаётган халқ ўйинларини мириқиб ўйнайди.

Болажонлар қий-чувини эшитиб, кампир ҳам руҳланиб кетди чоғи, кўча томон ошикди. Аммо дарвозага суянганча, уларга бир лаҳза термулиб, чуқур ўйга толди. "Кўкламнинг тафти бошқача-да", дея лаблари беихтиёр пичирлади. Уч ёшлардаги болакай югуриб келиб, уни пана қилиб ўртоқларидан яширинган бўлди. "Беркинмачоқ" ўйнашаётган экан. Нарироқда қизалоқлар арғимчоқ учишяпти, тўпгтош талашяпти.

— Қизлар давра қуриб, "Сочпопук", "Олма олди", "Доирадан чиқариш", "Кўзбойлагич" каби севимли ўйинларимиз бўларди, — дея эслади асакалик Ортиғой буви ёшлик йилларини. — Яна "Ошиқ ўйини" ҳам севимли машғулотимиз эди.

— Фарзандларимни уч-тўрт ёшлигиданоқ "Беркинмачоқ", "Тошберкитар" каби ўйинлар ўйнашга ўргатдим, — деди Марҳамат тумани, Қўрақўрғон маҳалласида яшовчи Ойсанам Ҳотамтоева. — Ҳаракатли ўйинлар болаларимнинг хотираси мустаҳкам бўлишига ёрдамлашиб, уддабуронлик ва топқирлик хислатларини тарбиялайди. Энг муҳими, улар фанлар бўйича мавзуларни қийинчиликсиз ўзлаштиряпти. Бугун мамлакатимизда миллий ҳаракатли ўйинларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, жараёнида халқ ўйинларининг таълим тизимига ҳам татбиқ этилиб, умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фанида миллий халқ ўйинлари ўқувчиларга ўргатилаётгани қувонарлидир. Боиси ота-боболаримиз севиб ўйнаган ўйинлар ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга.

— Ҳар чоракда дарс жадвалининг 6—10 соати миллий халқ ўйинларига ажратилган, — дейди Олтинкўл туманидаги 2-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Ботиржон Муқимов. — Асосан қуйи синфларда ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориляпти. Юқори синфга ўтгач, ўқувчиларга миллий ўйинларимизнинг гимнастик унсурлари ҳам ритмли мусиқа орқали ўргатилади.

Миллий халқ ўйинлари фарзандларимизнинг бўш вақтини унумли ва мароқли ўтишини таъминлайди. Қолаверса, уларда ёшлигидан мардлик, дўстлик, ростгўйлик ва садоқат каби эзгу хислатлар камол топади.

Орифжон СИДДИҚОВ

Диққат, танлов!

"ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА" РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" илмий-амалий маркази ва "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди **"ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА"** республика танловини эълон қилади.

Халқимизга хос энг улуғ қадрият — оилани улуғлаш, унинг жамият ҳаётидаги, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини эътироф этиш, мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижаларини тарғиб қилиш, оилаларни мустаҳкамлашда кенг жамоатчиликнинг ўрнини ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб бериш, шунингдек, ибратли оилаларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов 4 босқичда бўлиб, маҳалла босқичи 15 май — халқаро Оила куни арафасида, туман (шаҳар) босқичи июль ойида, ҳудудий босқич Мустақиллик байрами арафасида, республика босқичи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида — декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Иштирокчилар барча босқичларда қуйидаги шартлар асосида 10 баллик тизимда баҳоланади:

1-шарт — Оилаларнинг таништирув чиқишлари.

Иштирокчилар ўз оиласи таркиби, касб-кори, оила аъзоларининг севимли машғулоти, эр-хотиннинг оила қуриш жараёни, қайнона-келин муносабатлари, фарзандларни гўзал ахлоқ, илму маърифат, жисмоний ва руҳий уйғунликда камолга етказиши, набиралар тарбиясидаги ҳаётий тажрибаси, оиладаги анъана ва қадриятлари тўғрисида ҳаётий мисоллар асосида қизиқарли тарзда баён қилади (таништирув шеърий ёки мусиқий тарзда бўлиши ҳам мумкин). Бажариш вақти — 5 дақиқа.

2-шарт — "Биз китобхон оиламиз".

Оила кутубхонаси, оила аъзоларининг замон билан ҳамнафаслиги, кийиниш, муомала маданияти, дунёқарашининг кенглигида, уларнинг "оммавий маданият" ва бошқа ғоявий таҳдидларга қарши кураша оладиган, мустақил фикрга эга бўлиши, шунингдек, фарзандларнинг турли ютуқларга эришувида китобнинг аҳамияти юзасидан тезкор савол-жавоблар.

3-шарт — "Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги" мавзусида видеоролик.

Оилавий ҳаётда учрайдиган лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчилик, чет элга иш излаб кетиш, тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдабабозлик, ёшларнинг диний экстремизм, жиноят йўлига кириб кетиши каби муаммоли воқеий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан 3 дақиқалик видеоролик тайёрлаш.

Тақдирлаш:

Танловнинг барча босқичларида 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари ва "Китобсевар оила", "Спортчи оила", "Ишбилармон оила" "Меҳрибон қайнона", "Аҳил оила", "Саховатли оила", "Ибратли келин", "Файзли оила" номинациялари бўйича совриндорлар аниқланиб, улар ҳамкор ташкилотларнинг диплом, сертификатлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Ҳудудий босқичларда 1-ўринни қўлга киритган оилалар танловнинг якуний босқичида иштирок этади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

Саралаш ва ҳудудий босқичлар учун:

1) Оила таркиби ва уларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар (шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, никоҳ расмийлаштирилганлиги ҳақидаги ҳужжат ва дипломлар нусхаси).

2) Фуқаролар йиғини, қўни-қўшнилар ва иш жойидан оила аъзолари ҳақида тавсифий маълумотнома. Тавсифий маълумотномада қуйидагиларга эътибор қаратилади: оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва хўжалик юритиши, жамоат ишларидаги иштироки, маҳалла ва таълим муассасалари билан алоқаси, эр-хотиннинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги, қайнона-келин, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва бошқа мезонларга эътибор қаратиш.

Якуний босқич учун:

1) Ҳудудий босқич бўйича ҳакамлар ҳайъатининг баённомаси.

2) Иштирокчилар паспорти, никоҳ тузилганлиги ва фарзандлари туғилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхалари.

3) Оила ҳаёти ва ҳудудий босқичдаги иштироки ҳақида 3 дақиқалик видеолавҳа.

Ҳужжатлар маҳалла босқичи учун 10 майга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига;

туман (шаҳар) босқичи учун 10 июнга қадар туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарига;

ҳудудий босқич учун 1 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарига;

Республика босқичи учун 10 сентябрга қадар Республика ташкилий қўмитасига топширилиши лозим.

Республика ташкилий гуруҳи



2-ДАРАЖАЛИ ТУРНИРЛАР РЕКОРДЧИСИ

Испаниялик теннисчи Рафаэль Надаль Монте-Карло шаҳрида теннис бўйича ўтказилган "Мастерс" туркумидаги халқаро мусобақа бош совринини қўлга киритгани ҳақида "Лента" манбаси хабар берди.



Тажрибали ракеткачи ушбу турнирнинг ҳал қилувчи баҳсида юртдоши Альберто Рамосга қарши кортга чиқиб, 6:1, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Финал учрашуви 1 соату 16 дақиқа давом этди. Надаль 11 брейк-пойнтнинг тўрттасидан фойдаланди ва тўпни ўйинга киритишда бир марта ҳам адашмади.

Шу тариқа у Монте-Карло мусобақаларида 10-марта ғалаба қозонган илк теннисчига айланди. Бу йилги турнирнинг умумий ютуқ жамғармаси 4 миллион 629 минг еврони ташкил этди.

ЗЛАТАН 8 ОЙГА "ЧЕТЛАТИЛДИ"

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби футболчиси Златан Ибрагимович Европа Лигасининг чорак финалидан ўрин олган "Андерлехт"га қарши жавоб баҳсининг сўнгги сониялари да ноқулай тарзда йиқилиб, тиззасидан оғир жароҳат олди.



"Daily Mirror" манбасида келтирилишича, унинг бу жароҳати жиддий бўлиб чиқди. Швециялик ҳужумчининг тизза пайлари узилган. Шифокорларнинг айтишича, 35 ёшли футболчи энди камида 8 ёки 9 ой майдонга тушолмайди. Бугун у Питтсбург шаҳрида операция қилинади.

Хабарингиз бор, "Манчестер Юнайтед" ўз майдонида "Андерлехт" клубини қўшимча таймда (2:1) енгиб, ярим финалга чиқди. Ж.Моуриньо шогирдлари финал йўлланмаси учун испанларнинг "Сельта"сига қарши тўп тепади.

БИР СОВРИН УЧУН УЧ НОМЗОД

Миллий хоккей лигаси жамоалари ўйинчилари — Крэйг Андерсон ("Оттава"), Эндрю Коглиано ("Анахайм") ва Дерек Райан ("Каролина") нуфузли "Билл Мастертон Трофи" совринига номзод сифатида танлаб олинди.



Мусобақа расмий сайтида ёзилишича, "Билл Мастертон Трофи" — 1968 йилдан буён ҳар йили мавсумда энг яхши натижа қайд этган, юксак маҳоратга эга хоккейчига тақдим этилади.

Ушбу мукофотни биринчи бўлиб ўз вақтида "Монреаль" жамоаси етакчиси бўлган Клод Прово қўлга киритган. Ўтган йили эса "Билл Мастертон Трофи" совринни "Флорида" жамоаси вакили, чехиялик Яромир Ягрга насиб қилди.

Мукофот соҳиби 22 июнь куни Лас-Вегас шаҳрида мавсум якунларига бағишлаб ўтказиладиган маросимда маълум бўлади.

АРОНЯН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Германиянинг Карлсруэ ва Баден-Баден шаҳарларида бўлиб ўтган шахмат бўйича "Grenke Chess Classic" супертурнирида арманистонлик спортчи Левон Аронян ғалаба қозонди, дея хабар берди "ТАСС".

У мусобақанинг якуний — 7-турида америкалик Фабиано Каруана билан дурангга имзо чекди ва очколари сонини 6 тага етказди. Ундан кейинги ўринларни норвегиялик жаҳон чемпиони Магнус Карлсен ва америкалик Фабиано Каруана (4 очкодан), француз Максим Вашье-Лаграв, озарбойжонлик Найдич ва хитойлик Хоу Ифань (3,5), немис Георг Майер ва Маттиас Блюбаум (2) эгаллади.

Ушбу турнир илк бор 2013 йили ўтказилган ва унда ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ғалаба қозонган.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Ma’rifat

2017-yil 26-aprel, № 33 (8994)



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Билимдонлар сараланди

Термизда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий нуфузини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимини бойитиш, истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган танловнинг саралаш босқичларида 4—7-синфларнинг 31 минг 870 га яқин ўқувчиси билимини синовдан ўтказди. Вилоят босқичида Термиз шаҳри ва туманлар босқичида ғолиб бўлган 14 жамоанинг 112 иштирокчиси танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ва ижтимоий лойиҳа шартлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Бойсун туманидаги 1-умумтаълим мактабининг "Камалак ёғдуси" жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Денов туманидаги 75-умумтаълим мактабининг "Камалак капитанлари" ва Сариосиё туманидаги 1-умумтаълим мактабининг "Камалак эгалари" жамоалари қўлга киритди.

ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.







Жаҳон кубоги босқичи якунланди

Пойтахтимиздаги Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаси ўз ниҳоясига етди.



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Грузия, Индонезия, Испания, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Словения, Таиланд, Финляндия, Швейцария, Эстония, Япония ва Қозоғистондан юзга яқин гимнастикачи ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

Ушбу нуфузли мусобақада иштирокчилар яккалик ва гуруҳлар ўртасида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича беллашди.

— Мусобақаларни кузатиб, Ўзбекистонда иқтидорли спортчи қизлар кўплигига гувоҳ бўлдим, — деди халқаро тоифадаги ҳакам Моника Форние (Испания). — Нафосат соҳибаларининг севимли спорт тури бўлган бадиий гимнастика бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида оммавийлашмоқда. Бу спорт тури қизларнинг жисмонан соғлом улғайиши, иродаси мустаҳкам, диди ва дунёқараши юксак бўлишига хизмат қилади.

— Мамлакатингизда ўтган бу йилги Жаҳон кубоги босқичи баҳслари ҳар жиҳатдан юксак савияда, халқаро талабларга мос равишда ташкил этилди, — дейди болгариялик гимнастикачи Лаура Траатс. — Юртингизда спортга катта эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон ёшлари учун яратилган кенг имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Бундай нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилиш эса маҳаллий спортчилар учун фақат ва фақат фойда келтиради.

Якунда ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Унга кўра, яккалик баҳсларида Арина Аверина (Россия) бир йўла уч йўналиш(ҳалқа, тўп ва тасмада машқ бажариш)да олтин медални қўлга киритди. Булавада эса унинг ҳамюрти Дина Аверина юқори балл тўплаб, ғолиб бўлди. Бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Сердюкова тасмада машқ бажариш бўйича бронза медалга лойиқ кўрилди.

Арғамчи ва тўпда машқ бажариш бўйича гуруҳ баҳсларида Болгария, Украина ва Россия жамоалари кучли учликдан жой олган бўлса, ҳалқада машқ бажаришда ҳам Россия, Болгария ва украиналик гимнастикачилар совринли ўринларни эгаллашди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, "Ma’rifat" мухбири

Ma’rifat

TA’SIS ETUVCHILAR:

O‘zbekiston Xalq ta’limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, O‘zbekiston Ta’lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-415. Tiraji 52143. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma’rifat»dan materiallarni ko‘chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Akmal JUMAMURODOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
O‘zA yakuni — 21.55 Topshirildi — 23.35
12 456